ЭКЗЕМПЛЯР
Ф. Б. ТашГУ
Читального зала

ОКТЯБРНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 94 (3576). | Шанба, 13 май 1967 йил | Баҳоси 2 тийин.

# ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети чорвачиликни ривожлантириш соҳасида область колхоз ва совхозлари ўртасида олиб борилаётган социалистик мусобақанинг биринчи квартал якунларини кўриб чиқдилар. Область партия комитети ва область ижроия комитетининг Кўчма қизил байроғи Янгийўл районидаги **Ленин номли колхозга** (раиси **Авазов**, партия ташкилотининг секретари **Холмирзаев**, комплекс чорвачилик бригадасининг бошлиғи **Тўйчиев** ўртоқлар) берилди. Бу колхоз шу йилнинг биринчи кварталида чорвачилик соҳасида энг яхши кўрсаткичларга эришган. Йирик шохли қорамолларнинг туғғини кўпайтириш планини 110,1 процент, шу жумладан сигирлар бўйича 101,7 процент, қўй-эчкилар бўйича 153 процент, паррандалар бўйича 142,9 процент, бажарган. Хўжаликда гўшт етиштириш йиллик плани 67,5 процент, сут етиштириш плани 27,3 процент, тухум етиштириш плани 29,4 процент, давлатга гўшт сотиш ярим йиллик плани 106 процент, сут сотиш квартал плани 123,6 процент, тухум сотиш ярим йиллик плани 103 процент адо этилган. Ҳар бир бош сигирдан ўрта ҳисобда 442 килограммдан сут сотиб олинган. Давлатга гўшт учун топширилган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 367 килограммни ташкил этган. Қизил байроқ Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозидан олиб берилди.

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетининг Кўчма қизил байроғи Калинин районидаги **«Қорасув» совхозига** (директори **Дадахўжаев**, партия ташкилотининг секретари **Еқубова**, ишчилар комитетининг раиси **Икромов** ўртоқлар) берилди. Бу совхоз областдаги совхозлар орасида чорвачилик бўйича биринчи кварталда энг яхши кўрсаткичларга эришган. Йирик шохли қорамолларнинг туғғини кўпайтириш вазни 367 килограммни ташкил этган, шу жумладан сигирлар бўйича 107,7 процент, чўчқалар бўйича 101 процент бажарган. Гўшт етиштириш йиллик планини 138 процент, сут етиштириш йиллик планини 21 процент, сут етиштириш йиллик планини 27 процент, давлатга гўшт топшириш квартал планини 100,2 процент, сут топшириш планини 128,8 процент адо этган. Биринчи квартал мобайнида совхоз бўйича ҳар бир бош сигирдан 587 килограммдан сут согиб олинган. Давлатга гўшт учун топширилган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 300 килограммни ташкил этган. Қизил байроқ Бўка районидаги «Бўка» совхозидан олиб берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитети жамоат чорвачилигини ривожлантиришда Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги», Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозлари ва Янгийўл районидаги «Олмазор» совхози чорвадорларининг яхши ишлаётганликларини қайд қилиб ўтдилар.

◆◆◆◆◆◆◆◆◆◆◆◆◆

**Шу кунларда Янгийўлдаги Калинин номли колхоз пахтакорлари ғўзанинг дастлабки парваришини қулай агротехника муддатларида сифатли қилиб ўтказиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Юбилей йилида гектар бошига 33 центнердан «оқ олтин» етиштиришга сўз берган ўртоқ К. Ҳошимов бошлиқ звено деҳқонлари даҳа ишларини кўнгилдагидай бажаришда бошқаларга ўрнак кўрсатмоқдалар. Суратда: звено тўзаларини культивация қилиш пайти.**

А. Абалян фотоси.

# СОФИЯДАГИ МИТИНГДА Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Бугун имзоланган янги битим, деб таъкидлади Л. И. Брежнев ўз нутқида, ҳар иккала мамлакат халқлари ҳаётида тарихий воқеадир.

Болгария билан СССР ўртасидаги, бошқа социалистик мамлакатлар ўртасидаги шартнома асосидаги муносабатлар социалистик интернационализм принциплари негизига қурилган бўлиб, деди нотиқ, ҳамдўстлигимизни мустаҳкамлашнинг таъсирчан сиёсий воситасини, вужудга келаётган проблемаларни биргаликда ҳал қилишнинг аниқ механизмини яратиб берди, ўзаро мажбуриятларни, сиёсий иқтисодий ва бошқа хил алоқаларни ривожлантиришнинг асосий йўлларини белгилаб берди.

Биз бу ерга Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Болгария Халқ Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан келдик, деди сўзини давом эттириб КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари. Бизнинг делегациямиз партия-ҳукумат делегациясидир. Бу — бежиз эмас. Айни коммунистлар — совет коммунистлари ҳам, болгар коммунистлари ҳам халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлаш учун курашда авангард бўлиб қолган сиёсий кучдир. Бу дўстлик Коммунистик партияларимизнинг жанговар бирдамлигида ҳам, ҳукуматларимизнинг қардошларча ҳамкорлигида ҳам, кўпдан-кўп жамоат ташкилотларининг яқиндан боғланган алоқаларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Бу дўстлик халқнинг орзу-умидларига мувофиқ бўлиб, Болгария ва Совет Иттифоқи меҳнаткашларининг туб миллий ва интернационал манфаатларини акс эттиради. Башарти биздан: социалистик интернационализм нима деб сўраб қолгудек бўлсалар, биз: Болгария билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларга бир назар ташланг. Мана шу муносабатларнинг ўзи амалдаги социалистик интернационализмдир, деб жавоб берган бўлур эдик.

Нотиқ коммунизм қураётган совет халқининг муваффақиятлари ҳақида, совет кишилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига қандай тайёргарлик кўраётганликлари тўғрисида гапириб берди.

Биз, совет кишилари Октябрь революцияси фақат бизникигина эмаслигини яхши тушунамиз, деб таъкидлади Л. И. Брежнев. Октябрь революцияси бутун дунё меҳнаткашлариникидир. Октябрь барча халқлар учун азиз ва мўътабардир, чунки Октябрь галабаси туфайли инсониятнинг капитализмдан социализмга ва коммунизмга ўтиш даври очилди. Октябрь социал ва миллий зулмнинг ҳамма шаклларидан холи бўлган янги жамиятга, ҳамма нарса меҳнат аҳлининг манфаатларига хизмат қилдириладиган жамиятга йўл очиб берди.

Сўнгра Л. И. Брежнев қуйидагиларни таъкидлади: янги советболгар шартномаси мамлакатларимиз тобора кўпроқ яқинлашиб бораётганлиги, болгар ва совет халқлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама ривожланиб бораётганлигининг қонуний натижасидир. Бу шартнома ўтган ўн йиллар мобайнида эришилган натижаларни мустаҳкамлаб, мамлакатларимизни бир-бири билан боғлаб турган қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлайди.

Социализм ва коммунизм қурилишининг халқаро тажрибаси жуда қимматли мулкимиздир, деди сўнгра Л. И. Брежнев. Бу тажриба янги жамият барпо этиш йўлига ўтаётганлар учун жуда катта аҳамиятга эга. Бизнинг коллектив тажрибамиз ҳар бир мамлакатдаги социализм бинокорларининг тарихий мақсадларимизга камроқ куч сарф қилиб, тезроқ эришишларига ёрдам беради. Янги совет-болгар шартномасининг муҳим хусусиятларидан бири шуки, у янги жамият қурилиши тажрибасини ўзаро ўрганиш учун яхши шарт-шароитлар вужудга келтиради.

Биз ҳозиргина имзолаган шартнома мудофаа соҳасида ва халқаро ишларда совет-болгар ҳамкорлигини янада ривожлантиришни таъминлайди. Бу шартнома партияларимиз ва давлатларимизнинг социалистик ҳамдўстликни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, жаҳон коммунистик ҳаракатини жипслаштириш, барча революцион кучларни бирлаштириш йўлини изчиллик билан амалга оширишга интилаётганликларини акс эттиради, деди Л. И. Брежнев. Шартнома империалистик реаксияга қарши, давлатларимизнинг ва бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг тинчлиги ҳамда хавфсизлиги учун, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм умумий иши учун курашда биргаликда қиладиган ҳаракатларимизни олдиндан белгилаб беради. Болгар дўстларимиз каби биз ҳам бу шартноманинг икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар (Варшава шартномаси ҳам шулар қаторига киради) системасининг ажралмас қисми деб ҳисоблаймиз.

Турмуш шу нарсани жуда яққол кўрсатиб турибдики, деб сўзини давом эттирди нотиқ, социалистик мамлакатлар халқаро майдонда неоколлик жипслашиб ва неоколлик аҳил бўлиб ҳаракат қилсалар, ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳам, тинчлик, халқлар озодлиги ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, империализмга ва мустамлакачиликка қарши кураш олиб бориш учун шу қадар яхши шарт-шароитларга эга бўладилар.

Социализм мамлакатларининг ташқи сиёсати социалистик ҳамдўстлик халқларининг орзу-тилакларини ифода этиш билан бирга бошқа ҳамма мамлакатлар меҳнаткашларининг манфаатларига ҳам мувофиқдир. Капитал ҳукмронлиги остида бўлган мамлакатларнинг халқ оммаси билан социалистик дунё ўртасида зиддиятлар йўқ. Европадаги Коммунистик ва ишчи партияларнинг апрель ойи охиридаги Карлови Варида бўлиб ўтган конференцияси буни жуда яққол ва зўр куч билан намойиш қилди.

Бу учрашув социалистик ва капиталистик мамлакатлар коммунистларининг муҳим форуми бўлди. Конференциянинг муваффақиятлари кўп нарсадан далолат беради. Конференция давомида муҳокама этилган ҳамма проблемалар юзасидан бир хил позициялар—тинчлик ва тараққиётга ташна бўлган барча халқларнинг манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган позициялар ишлаб чиқилди.

Кенгашда қатнашган барча партияларнинг вакиллари Вьетнам халқининг ўз ватани озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган қаҳрамонона кураши билан астойдил бирдам эканликларини айтдилар.

Агрессорлар ўз юртининг ҳўжайини бўлиш каби муқаддас ҳуқуқни қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган қаҳрамон Вьетнам халқини ҳеч қачон тиз чўктира олмайдилар. Қўшма Штатлар Вьетнамга қарши ўз агрессиясини кенгайтириб, Америка империализми ҳозирги кунда агрессия ва реакциянинг асосий кучи эканлигини бутун дунё олдида яна ва яна бир марта яққол тасдиқлаб бермоқда. Қўшма Штатлар ҳеч қандай натижа бермайдиган авантюра гирдобига тобора чуқур ботиб бормоқда. Бу авантюра Қўшма Штатларга шармандагарчилик, халқаро майдонда тобора яккаланиб қолишдан бошқа ва эрксевар барча кишиларнинг нафратидан бошқа ҳеч нарса келтирмайди.

Ваҳоланки Вьетнамда тинчлик ўрнатиш имконини берадиган равшан ва оддий бир йўл бор. Бу йўл Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати ва Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг ана шу хатарли можарони сиёсий жиҳатдан бартараф қилиш ҳақидаги маълум таклифларида кўрсатиб берилган. Биз вьетнамлик дўстларимизнинг йўлига қўшиламиз ва Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишларни ва ВДРга қарши бошқа агрессия ҳаракатларини сўзсиз тўхтатиш тўғрисидаги талабни қатъиян қўллаб-қувватлаймиз.

Л. И. Брежнев айтдики, Совет Иттифоқи курашаётган Вьетнамга иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан катта ёрдам кўрсатиб келмоқда. Агрессорлар, деди Л. И. Брежнев, шуни билиб қўйсинларки, курашаётган Вьетнам содиқ дўстларининг ёрдамидан ҳеч қачон маҳрум бўлмайди.


Ҳозирги кунда Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида ғов бўлиб турган асосий тўсиқлар нимадан иборат? Бу саволга бериладиган жавоб ҳаммага маълум ва бу жавоб Карлови Вари кенгашининг ҳужжатларида яна бир марта зўр куч билан таъкидланди. Қўшма Штатларнинг ёрдами билан иккинчи жаҳон урушининг якунларини қайтадан кўриб чиқишга умид боғлаган Германия Федератив республикаси реакцион доираларининг сиёсати асосий ғовдир. Ғарбий Германиядаги ҳукмрон доираларнинг Европада вужудга келган давлат чегараларини эътироф этишдан, турли ижтимоий тузумдаги икки герман давлатининг мавжудлигини тан олишдан қайсарлик билан бош тортаётганликлари ана шундай ғовдир. Боннинг Ғарбий Берлинга нисбатан беҳуда даъволари ана шундай ғовдир. Ғарбий Германия милитаристларининг барон йўл билан ядро қуролини қўлга олиш учун доим интилиб келаётганликлари ҳам шундай ғовдир.

Л. И. Брежнев Германия Демократик Республикасининг Ғарбий Германияга тақдим этган таклифлари муҳим эканлигини таъкидлади. Германия Федератив Республикаси ҳукумати ўзининг тинчликсеварлиги тўғрисидаги гаплари пропаганда рўёбидаги найранг деб қаралмаслигини истайдиган бўлса, ўз сўзини иш билан тасдиқлаши ва, жумладан, Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг таклифларига амалий суратда ёндошуви керак.

Қитъамиздаги аҳволни нормаллаштиришда, — деб сўзини давом эттирди Л. И. Брежнев, Европанинг ҳеч мустаснюиз ҳамма мамлакатлари қатнашуви лозим. Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг ташқи сиёсий фаолияти ана шу интилиш билан белгиланди ва белгиланмоқда. Бу мамлакатларнинг позицияси сиёсий маслаҳат комитети Бухарест кенгашининг қарорларида ифода этилган. Социалистик мамлакатларнинг ана шу муштарак принципиал позицияси СССР билан Болгария ўртасида тузилган янги шартномада ҳам ўз ифодасини топди. Бу шартнома умумий тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган. Биз, деди яна Л. И. Брежнев, Грецияда ҳарбийлар ва реакциянинг қутуриб кетганлигига қарши қаҳр-газаб билан норозилик билдирамиз ва демократия учун, ўз мамлакатининг озодлиги учун зўр ғайрат билан курашаётган грек халқи билан бирдам эканлигимизни билдирамиз.

Сўнгра Л. И. Брежнев қуйидагиларни айтди: социалистик ҳамдўстликнинг жипслигини мустаҳкамлаш, жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлаш вазифаси давримизнинг энг зарур талабидир. Коммунистлар давримизнинг туб проблемаларини ҳал этишда авангардлик ролини ўйнашлари керак. Бу эса, коммунистик ҳаракатнинг характеридан, унинг революцион идеалларидан, меҳнаткашларнинг манфаатларига садоқатидан келиб чиқади. Биз болгар дўстларимизнинг, бошқа қардош партиялар вакилларининг ҳозирги пайтда коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш йўлида зўр ғайрат билан ишлаш зарур эканлиги тўғрисидаги фикрларига қўшиламиз. Компартияларнинг халқаро кенгаши бу соҳада катта роль ўйнай олган бўлур эди.

Бизнинг шартномамиз, деди сўзининг охирида Л. И. Брежнев, Болгария билан СССР ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш билангина чекланиб қолмайди. У, барча социалистик давлатларнинг қардошларча ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ишига, шубҳасиз, қўшилган муҳим ҳисса бўлади. Бу шартнома социализм мамлакатларининг бирлигига, жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлигига жуда яхши хизмат қилади.



# ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

Қишлоқ хўжалигимизнинг барча тармоқларида меҳнат қилаётган кишилар ўз ишларига комплекс механизациянни кенгроқ жорий этишнинг йўлидан дадил бормоқдалар. Бу борада пахтакор деҳқонларимиз анча илгарилаб кетишди. Улардан ибрат олаётган сабзавоткорлар ҳам комплекс механизацияни жорий этишга астойдил киришмоқдалар.

Областимизда сабзавотчиликни комплекс механизациялаштиришнинг энг катта ташаббускорларидан бири — «Қорасув» совхозининг механизатор-звено бошлиғи Насриддин Муҳиддиновдир. У сабзавот экинларини механизмлар ёрдамида экиш, парвариш қилиш ва йиғиштириб олишда йил сайин қувончли ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. Насриддин ака ўз звеносида нарядсиз усулда ишлашни ҳам жорий этиб, яхши натижаларга эришяпти.

Калинин районида ўртоқ Муҳиддиновнинг бу ташаббусига қўшилиб, комплекс механизациялашган сабзавотчилик звенолари тузиб ишлаётган кишиларнинг сони тобора кўпаймоқда. Жумладан, Охунбобоев номли колхозда бу йил тўртта нарядсиз усулда ишлайдиган, комплекс механизациялаштирилган сабзавотчилик звенолари ташкил этилди. Улар ҳозирнинг ўзидаёқ янгича усулда ишлаш қанчалик афзал эканлигини амалда исбот қилмоқдалар.

Нарядсиз звеноларнинг бирига уста механизатор Исмат Асадов бошчилик қилмоқда. Бу звено деҳқонлари ҳозиргача бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар. Ой-тобида экиб олинган картошка, карам, пиёз, қовоқ экинлари ҳозир барқ уриб ўсяпти ва мўл ҳосилдан дарак беряпти. Карам ва пиёз пайкалларида иккинчи парвариш муваффақиятли тугалланди. Қатор оралариға агрегат билан ишлов беришда звено бошлиғи ўртоқ Асадовнинг ўзи моҳирлик кўрсатяпти.

Звено деҳқонлари юбилей шарафига ҳар гектар ердаги карам ва қовоқдан 25 тоннадан, картошка ва пиёздан камида 15 тоннадан ҳосил кўтариш мажбуриятини олишган. Далаларнинг ҳозирги жамоли, экинларнинг ҳозирги ривожи ана шу мўл ҳосилдан дарак бериб турибди.

С. ИЛЕСОВ.

# ҚАТҚАЛОҚҚА ҚАРШИ

Баҳорнинг серёғин келиши деҳқончиликда бирмунча қийинчиликлар туғдирмоқда. Лекин, юксак маррани кўзлаётган қалби олов деҳқонлар табиат қийинчиликлари олдида ўзларини ожиз сезаётганлари йўқ. Аксинча уни бартараф этиш учун қатъиятлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Бўкадаги «Гулистон» колхозининг пахтакорлари бу йил 1000 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 30 центнердан «оқ олтин» кўтаришга сўз беришган эди. Ғарчи об-ҳаво анча ноқулай келаётганига, бирмунча пайкаллардаги экин шикастланганига қарамай, улар «йил бошида олган мажбуриятимизни Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги тўйигача албатта бажарамиз» дэмоқдалар.

Ҳозир хўжаликнинг ҳамма звеноларида қатқалоққа қарши қатъий кураш олиб борилятти, гектарларни тўлиқ ва кўчатларни бут қилиш чоралари кўрилятти.

Бу иш айниқса ўртоқ Қўчқор Саримсоқов бошлиқ звенода намунали ташкил этилятти. Бу йил 35 центнерни кўзлаётган звено миришкорлари ҳозиргача ҳамма майдонлардаги қатқалоқни батамом тугалладилар, дастлабки парваришни муваффақиятли ўтказмоқдалар. Деҳқон меҳрига қонаётган ғўзалар кун сайин яшнамоқда.

Колхознинг У. Бойқўзиев, Н. Холмирзаев, Қ. Саримсоқов, Р. Алматов сингари механизаторлар бошчилик қилаётган звеноларида ғўза парвариши кўнгилдагидек бормоқда.

Ҳ. НОРМАТОВ.

# КАТТА ХИРМОН ИШҚИДА

Эл дастурхонини ширин-шакар мева-чевалар билан тўкин қилишдек шарафли ишга йил сайин ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхозининг боғбон ва соҳибкорлари шу кеча-кундузда катта хирмонни кўзлаган ҳолда мўл ҳосил етиштириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг юбилей йилидаги марралари катта — шаҳарлик биродарларга 5500 тонна узум, 1500 тонна мева ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш. Узум ҳосилдорлигини гектар бошига планда белгиланганига нисбатан ўн центнер ошириб, 150 центнерга етказиш мажбурияти олинган.

Шу мақсадда ҳозиргача бирмунча ишлар амалга оширилди. Қиш билан мевазор ва узумзорларга қайта-қайта яхоб берилди, ўгитланди. Баҳорнинг қулай фурсатларидан фойдаланилиб, 409 гектар майдондаги токлар вақтида очилди ва сўриларга таралди. Ҳозир токларда мўл ҳосил нишоналари ўзини кўз-кўз қилаятти.

Республикамизнинг донгдор соҳибкори Раззмат ота Мусамуҳамедовнинг оташин чақиригли кўплар қатори бу совхоз механизаторларини ҳам гоят руҳлантириб юборди. Улар отахоннинг чақиригига жавобан, шу йилнинг ўзида бир қанча майдонларда узумзор ва олмазорлар барпо этдилар.

Боғ ва токзорларни намунали парвариш қилишда Р. Тошматов, С. Маҳаматов, А. Эргашев, Ғ. Каримов, Х. Исмоилова, Ж. Қуртемеров сингари ўртоқлар зўр ғайрат кўрсатишяпти.


К. ҲАМРОЕВ,
И. РУСТАМОВ.

# СОВЕТ-БОЛГАРИЯ ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАНДИ

СОФИЯ, 12 май. (ТАСС). Бугун бу ерда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланди. Шартнома 20 йиллик муддатга тузилди.

Шартномани Совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров имзоладилар. Шартномани Болгария томонидан Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Тодор Живков имзолади.

Совет-Болгария ахборотни ҳам имзоланди.



ТУЙТЕПА (ўз мухбиримиздан). Ўрта Чирчиқ районидаги Қуйбишев номли колхоз клубида Пискентдаги Акмал Икромов номли қишлоқ хўжалик механизаторлари тайёрлаш мактабининг бўлими очилди. Бу мактабда Ўрта Чирчиқ районидаги колхоз ва совхозлардан келган 62 қиз-жувон ўқимоқда. Мактабда ёшларга «ХТ—1,2», «Х—24» трактори, электротехника, кўча ҳаракати қоидалари, агрономия, тарих, пахта териш техникаси, слесарлик сингари фанлар бўйича таълим берилмоқда.

Қизларнинг «сангори кема» капитани деган унвонни олишга ҳавас ва иштиёқлари баланд. Кўп қизлар аъло баҳо билан ўқимоқдалар.

— Ўқувчиларимиз техникани ўрганишга ишқивоз. Мукаммал Аблазова, Зоя Семёнова, Зулфия Абдихолиқовалар яхши, аъло баҳолар билан ўқимоқдалар, — дейди мактаб директори С. Ёдгоров.

Бўлажак механизатор қизларнинг ўқишлари учун қулай шароит яратилган. Ётоқхоналар озода, яхши жиҳозланган. Қуйбишев номли колхоз правленнеси механизаторлар тайёрлаш мактабини бино билан таъминлабгина қолмай, зарур вақтда транспорт билан ҳам таъминлаб турибди.

Бу мактаб ўқувчилари дарсдан ташқари вақтларда бўш қолмайдилар. Ҳар ким ўзига яраша ҳар хил машғулотлар билан шуғулланади. 21 кишн кечки мактабларда ўқимоқда. 18 қиз кашта тикишни ўрганиш тўгарагининг аъзоси. Яқинда мактабда тантанали кеча ўтказилди. Мактаб ҳаваскорлари концерт қўйиб беришди. Бу ҳаваскорлар тўгарагига 23 қиз қатнашмоқда.

— Ҳамма ҳозир юбилей йилида ўз соҳасида ишлаб муносиб совға ҳозирлашга ҳаракат қилмоқда. Биз ёш механизаторларнинг ҳам мақсадимиз бор. Аввало яхши ўқиш, ўқишни тамомлаб ўз колхозларимизда, совхозларимизда етиштирилган ҳосилни машина билан териб олишда қўлимиздан келганча ёрдам беришдир, — дейди Киров номли совхоз механизатори Малика Тешабоева.

Маликахон ҳам, унинг дугоналари ҳам ана шундай юксак мақсадни дилларига жо қилиб, астойдил ўқимоқдалар.

**Суратларда: (чапдан ўнгга) комсомол ташкилотининг секретари Мукамбар Абдуллаева, Куйбишев номли колхоз механиги К. Эргашев курсантларни пахта териш агрегатининг тузилиши билан таништирмоқда.**

Қ. Розиқов фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

# ОЛТМИШ ИККИ ТУРСУНОЙЧИ

# ПАРТИЯ ТАРИХИДА МУҲИМ ДАВР

## РСДРП V СЪЕЗДИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

Улуғ Ленин асос солган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг шонли тарихида РСДРПнинг V съезди алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур съезд бундан 60 йил муқаддам, 1907 йилнинг 13 майида Лондон шаҳрида очилди. Съезд ишида В. И. Ленин иштирок этди.

РСДРПнинг V съездига келган делегатларнинг сони ва составн қуйидагича эди. Ҳаммаси бўлиб съездда 336 делегат қатнашди. Улар 145 та партия ташкилотига бирлашган 147 минг партия аъзоси номидан вакил қилиб юборилган эдилар. Шундан 105 киши большевиклар, 97 киши меньшевиклар, 44 киши Польша ва Литва социал-демократларининг вакили, 29 киши Латвия социал-демократларининг вакили, 57 киши бундчилар ва 4 киши фракциядан ташқари делегат эди. Большевикларнинг делегацияси составн жиҳатидан меньшевиклар делегациясига қараганда кўп даражада пролетарлашган, ёш жиҳатидан ҳам ёшроқ ва революцион иш тажрибаси жиҳатидан устунроқ ҳамда активроқ эди. Бу ҳол съезд кун тартибидаги масалаларни тўғри ҳал этишда ўз самарасини кўрсатди. Большевикларнинг меньшевикларга нисбатан устунлиги яна шунда эдики, улар Россиянинг йирик саноат марказлари (Петербург, Москва, Марказий саноат райони, Урал, Донбасс)дан вакил бўлиб келишган эди. Меньшевиклар эса саноати бўлмаган районлардан юборилган эди.

Съезд кун тартибини тасдиқлаш анча қийинчилик билан ўтди. Кўп тортишувлардан сўнг, съезднинг кун тартибига қуйидаги масалалар муҳокама қилиш учун киритилди: РСДРП Марказий Комитетининг ҳисоботи, дума фракциясининг ҳисоботи, буржуа партияларига муносабат, Давлат думаси, ишчи съездн ва партиясиз ишчи ташкилотлари, касаба союзлари ва партия, ташкилий масалалар, Штутгартдаги халқаро конгресс ва ҳоказолар.

В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар делегацияси партияга мустаҳкам жипслашган, тажрибали ва обрўли кишилардан иборат эди. Бу делегация составига, жумладан, А. С. Бубнов, К. Е. Ворошилов, И. Ф. Дубровинский, Г. Д. Лейтейзен (Линдов), М. Н. Лядов, В. П. Ногин, М. Н. Покровский, И. В. Сталин, Н. А. Теодорович, М. Г. Цхакая, С. Г. Шаумян, Е. М. Ярославский ва бошқалар кирган эди. Съезд ишларида буюк пролетар ёзувчиси А. М. Горький ҳам маслаҳат овози билан иштирок этди. М. Горький большевиклар партияси ва Россия ишчилар синфи билан мустаҳкам алоқада бўлиб, ўз ижоди билан большевикларга, революция ишига жуда катта ёрдам кўрсатаётган эди.

РСДРП нинг V съездида кураш асосан большевиклар билан меньшевиклар ўртасида борди. Энг муҳим ва принципиал масалалар ҳал қилинаётган пайтда поляк ва латиш социал-демократлари большевикларга кўпинча ён босиб, уларни қўллаб-қувватлаб турдилар. Бу ҳол бир қатор масалаларнинг большевиклар фойдасига ҳал бўлишида муҳим роль ўйнади. Бироқ, айрим ҳолларда мазкур партияларнинг вакиллари иккиланиб қолар ёки меньшевиклар учун овоз бериб юборар эдилар.

Съезднинг катта аҳамияти шундан иборат бўлдики, у РСДРП ни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш ишини большевиклар шиори остида бирмунча олга сурди. 1905—1907 йилларда Россияда рўй берган революцияга баҳо берди ва унга якун ясади, партиянинг навбатдаги муҳим вазифаларини аниқ белгилаб чиқди. Съездда асосан большевиклар олга сурган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Бу билан большевиклар тутган йўлнинг тўғрилиги амалда исбот этилди.

V съезд муҳокама қилган асосий масала буржуа партияларига муносабат масаласи бўлди. Бу ҳақда В. И. Ленин доклад қилди. Бу масала шунинг учун ҳам муҳим эдики, у Россия социал-демократиясини икки лагерга ажратиб турган принципиал ихтилофларни ўз ичига олган эди. Большевиклар ва меньшевиклар буржуа партияларига икки хил, бир-бирига зид муносабатда эдилар. В. И. Ленининг кўрсатиб ўтишича, бу ҳолат шунинг учун ҳам рўй берган эдики, Россиядаги буржуа-демократик революцияга ва уни ҳаракатга келтирувчи кучларга баҳо беришда большевиклар билан меньшевиклар ўртасида жиддий ихтилофлар мавжуд эди. Ленин ва большевиклар, пролетариат деҳқонлар оммаси билан иттифоқ тузиб ва либерал буржуазияни якқалаб қўйиб, революцияга бошчилик қилган тақдирдагина революция чоризмнинг ағдариб ташланиши билан тугалланади, деб ҳисобладилар. Меньшевиклар эса пролетариатнинг буржуа-демократик революцияда гегемонлик ролини ўйнашини мутлақо истамасдилар ва шунинг учун ҳам большевикларга очиқдан-очиқ қарши турдилар. Улар ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мутлақо инкор этдилар. Уларнинг фикрича, революцияда буржуазия гегемонлик ролини ўйнаши лозим эмиш.

Маълумки, ўша даврда Россиядаги мавжуд турли партиялар маълум бир синфларнинг манфаатларини ҳимоя қилар эди. Шу сабабли уларга муносабатда ниҳоятда эҳтиётқор бўлиш талаб қилинарди. Пролетар бўлмаган партияларга нисбатан большевиклар ва меньшевикларнинг бундай икки хил муносабати ўз-ўзидан уларнинг революция масалаларига нисбатан тутган мавқеини ҳам белгилаб берарди.

В. И. Ленин бу съездда қайси партияларга нисбатан большевиклар қандай муносабатда бўлмоги зарурлигини кўрсатиш билан бирга, меньшевиклар сиёсатини қатиқ қоралади. Ленин айниқса қорагуруҳчи партиялар («Рус халқи иттифоқи», «Бирлашган дворянлар иттифоқи» ва бошқалар), шунингдек октябристлар, йирик помешчиклар ва буржуазия партияларига қарши муросасиз курашмоқ зарурлигини уқдириб ўтди. Либерал буржуазия партиясига келганда эса, В. И. Ленин бу кадетлар партиясининг айниқса сохта демократизмини фош қилиш лозимлигини, унинг ўз орқасидан деҳқонлар оммасини ва шаҳар майда буржуазиясини эргаштириб кетмаслигининг олдини олиш зарурлигини кўрсатди. Меньшевиклар бўлса кадетлар билан Давлат думасида иттифоқ тузишни таклиф қилган эдилар. Ленин меньшевикларнинг бу хил таслимчиликдан иборат сиёсатини фош этди.

Хуллас, съездда кўпчилик овоз билан Ленин бошлиқ большевиклар тутган сиёсат маъқулланиб, буржуа партияларига муносабат масаласида большевиклар, таклиф қилган қарор қабул қилинди. Бу большевикларнинг, Россия пролетариатининг жуда катта ғалабаси эди. Партия съезди буржуа-демократик революцияда пролетариатнинг гегемонлиги роли зарурлиги ҳақидаги ленинча таълимотни расмий равишда эътироф қилди.

РСДРПнинг V съездида меньшевиклар таклиф қилган ва «Ишчилар съезди» деб аталган съездни чақириш тўғрисидаги масала ҳам жиддий тортишувларга сабаб бўлди. Меньшевикларнинг бундан кузатган мақсади нолегал социал-демократик ишчилар партиясини тугатиб, кенг ишчилар партиясини тузиш ва бунга социал-демократ ва касаба союзлардан ташқари, эсерлар ва анархистларни ҳам киритишдан иборат эди.

Ленин ва большевиклар бу масалада ҳам меньшевикларга кескин зарба бердилар, меньшевикларнинг партия ишига қарши қаратилган оппортунистик хатти-ҳаракатларини фош қилиб ташладилар. Поляк ва латиш социал демократлари ҳам бу хусусда меньшевикларга қарши чиқдилар. Съездда кўпчилик овоз билан «Ишчилар съезди ва партиясиз ишчи ташкилотлари ҳақида»ги большевиклар илгари сурган қарор маъқулланди.

Съездда партиянинг янги устави қабул қилинди ва унинг муҳим вазифалари белгилаб олинди. Съезд партия Марказий Комитетини сайлади. Ленин тарафдорлари Марказий Комитетда кўпчилик ўринни эгалладилар. В. И. Ленин, Ф. Э. Дзержинский, И. Ф. Дубровинский, Л. Б. Красин, В. П. Ногин ва бошқалар Марказий Комитет составига киритилдилар.

РСДРПнинг V съезди партиямиз тарихида муҳим босқич бўлиб қолди, партиянинг шаклланиши ва камолга етишувида катта роль ўйнади.

В. И. Ленин курашларда чиниқтирган улуғ партиямиз ҳозир совет халқини коммунизм сари олға бошлаб бормоқда.

Т. РАСУЛЕВ.

# ЯНГИ ТОШКЕНТНИ БУНЁД ЭТАМИЗ




Одесса қурилиш поездининг коллективи шу кунларда пойтахт марказида янги турар-жой бинолари қураяптилар. Улар орасида ёш бинокорлар анчагина. Сиз юқоридаги суратда кўриб турган Вера Боровская шулар жумласидан. У топшириқларни доим ошириб бажаради.

А. Тўраев фотоси.

Юбилей йилида Украина қурувчилари пойтахтимиз аҳолиси учун кўплаб турар-жой бинолари тортиқ қилишади. Ҳозиргача улар 30 минг квадрат метр биноии фойдаланишга топширишган. Пастдаги суратда Тошкент марказидаги «Украина» микрорайонининг бугунги кўриниши.

Б. Мазур фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).



# МАЪРИФАТ ТАРҚАТУВЧИЛАР

Бугун Тошкентнинг Октябрь районидаги 111-мактабда катта тўй. Мактабнинг катта коллективи, шу илм даргоҳидан ҳаётга йўлланма олган собиқ ўқувчилар табаррук устозларни табриклайдилар, уларни фахрли дам олишга узатиб қўядилар. Пенсияга чиқаётганлар ўзбек маорифчиларининг пионерлари. Уларнинг меҳнат фаолияти Совет ҳокимияти барпо бўлган бўронли йилларда бошланган. Бу йиллар ички душманларнинг маърифатчиларга қилган ҳужумига қарамай саводсизликни тугатиш учун оммавий юриш, маданий революцияни амалга ошириш билан ҳарактерланади. Бугунги юбилярлар мана шундай даврда, сўнгра урушнинг оғир йилларида ҳар қандай қийинчиликларга қарамай ўқитувчи деган камтарин ва олижаноб номни пок сақлашга муваффақ бўлганлар.

Уларнинг ҳаммаси элда эъзозланган, меҳнатидан обрў топган кишилар. Мана шулардан бири Воҳид Азизов. Унинг педагогик фаолияти 1919 йилдан бошланган. Воҳид ака бутун онгли ҳаётини маориф билан боғлаган. Унинг илм олиши, ўз билимини ошириши машаққатли бўлган. Воҳид ака дастлаб ўлка педкурсларида таълим олгач, сўнг Озарбайжонга бориб ўқиди. У ерда физика ва математикадан олган чуқур билимини ўзбек ёшларига муваффақият билан ўргата бошлайди. Самарқандда, Қўқонда ва Тошкентнинг турли ўрта ўқув юртларида ишлади. Унда таълим олган кўпгина ёшлар кейинчалик Ўзбекистоннинг машҳур олимлари бўлиб етишди. Воҳид Азизов Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг президенти Обид Содиқов, академик Воҳид Зоҳидов, фан кандидатлари Зиёд Долимов, Ҳамидулла Умаров, Латиф Икромов каби шогирдлари билан ҳақли равишда фахрланади. Ўртоқ Азизов 1942 йилдан то сўнгги йилларгача 111-мактабнинг юқори синфларида математикадан дарс бериб келди. Унинг тенгдоши Ғиёс Мусаев эса шу мактабга асос қўйганлардан. Ғиёс ака бу ерда қарийб 45 йил узлуксиз ўқитувчилик қилиб келди. Шу йиллар давомида у ҳам неча юзлаб ёшлар қўлига илм калидини тутқазди. Ўртоқ Мусаев республикамизнинг энг тажрибали бошлангич синф ўқитувчиларидан ҳисобланади. У ўзбек маорифчилари орасида биринчилардан бўлиб «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» деган фахрий унвонга сазовор бўлган.

— Биринчи йили 13 бола билан ўқишни бошлаганмиз, — деб эслайди Ғиёс ака. Бу 1923 йилда бир бойнинг ҳовлисидаги бир хоналик мактаб эди. Ҳозир эса ўша асосда ташкил бўлган бу уч қаватли илм ўчоғида 2800 ўғил-қиз таълим олмоқда. Мактаб республикадаги энг катта илм даргоҳига айланиб қолди.

Шу мактабга кўп йиллар директорлик қилган Қурбон Юсуповни коллектив яхши билади. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Қурбон Юсупов ҳам 1923 йилдан педагоглик қила бошлаган. Қурбон ака ўқитувчиликни республикамизнинг комсомол, касаба союз ҳаракати билан боғлаб олиб борди. Эски шаҳар хотин-қизларини озодликка чиқариш, боқимсиз болаларни интернатларга жойлаштириш ишларида фаол қатнашди.

Ўзбекистоннинг қайси бир географидан Латиф акани биласизми, деб сўрасангиз «Нега танимас эканман, у география отахони» деб жавоб беради. Дарҳақиқат, Латиф Рафиқов ўз касбини жондилидан севган, ёшларга бепоён мамлакатимизга жонажон ўлкамизга сўнмас муҳаббат уйғотган моҳир педагог. 75 ёшга борган бу нуроний мўйсафид ҳамон бардам. Унда ҳали ҳам ёшларга хос ғайрат бор. Мактабга келиб жамоат ишларида қатнашиб туради, ёш педагогларга тажрибаларини ўргатади, маслаҳатлар беради.

Хоразмда туғилиб, дастлабки илмини Хевада олган Ҳожар Дўсмуҳамедова ҳам Тошкентга келиб, юқорида номлари қайд қилинган кекса отахонлар билан ёнма-ён иш олиб борди. Сергайрат, жанговар бу аёл Октябрь районидаги 135 ва 96-мактабларда кўп йиллар илмий бўлим мудири ва директорлик лавозимларида ишлади. Ҳожар опа 38 йиллик педагоглик фаолияти давомида озмунча ёшларни илмдан баҳраманд этди, дейсизми? Ўртоқ Дўсмуҳамедова яқиндагина фахрий дам олишга чиққан. У бугунги тантанага Хоразмдан меҳмон бўлиб келади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Мирнеъмат Мирзааҳмедов ҳам педагогларнинг кекса авлодига мансуб. Дастлабки фаолиятини қардош Қозоғистоннинг Чимкент районида бошлаган Мирнеъмат ака кейинроқ Тошкент мактабларида болаларни хат-саводга ўргатди. Бутун умрини мана шу шарафли касбга боғлаган бу мўйсафиднинг кўкрагини энди Ленин ордени ва Меҳнат Қизил байроқ орденлари безаб турибди.

Мактабдаги кекса ўқитувчиларнинг катта плеядаси ичида болалар орасида соч-соқоли оқарган Маҳамадали Зоҳидовни ҳам кўрамиз. У собиқ Бобирхон мактабида 1919 йилдан ўқитувчилик қила бошлаган. Маҳамадали ака ҳам биринчи маърифатчиларга хос машаққатли йўлни босиб ўтди. Тайёрлов мактаби, рабфакларда билимини оширди. Бутун халқ қатори Улуғ Ватан уруши йилларини она юрт ҳимоясига отланди, сўнгра яна ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди. Шу мактабнинг бошланғич синфларида сўнгги вақтларгача дарс бериб келди.

Бугун юбилярларнинг фахрий даврасида ўтирган камтарин аёл Марҳабо Худойбергановани ҳамма олқишлайди. Ширин сўз, болаларни фарзандидек ардоқлайдиган бу аёлни юзлаб шогирдлари ҳамон миннатдор бўлиб эслашади.

Математика ўқитувчилари Ғулом Умаровнинг бой тажрибаси, фанни пухта билишига ҳавас қилардилар. 41 йиллик педагоглик фаолиятининг кўп қисмини у Октябрь районидаги 14, 111 ва Киров районидаги 105-мактабларда ўтказди. Бугунги катта тантана кунида Ғулом ака ни шогирдлик эҳтироми билан табриклаётганлар орасида унда таҳсил кўрганлар: тарих фанлари кандидатлари доцент Тўйчи Мирзабобоев, Тўхта Файзиев, «Экран» журналининг бош редактори Маҳмуд Яҳёев ва бошқалар ҳам бор.

«Она Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир совет гражданининг муқаддас бурчи». Бекжон Исмоилов Совет Конституциясида олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилган бу сўзларнинг маъносини ҳар дарсида болаларга тушинтиради. Душманнинг ҳаво ҳужумидан қандай сақланиш кераклигини ўргатарди. У ўз суҳбатларида тажрибасидан кўп нарсаларни айтиб берган. Бу тажрибани у 1926 йилда Қизил Армияда хизмат қила бошлаганда, кейин Улуғ Ватан уруши йилларида орттирган. Немис-фашистларга қарши курашда қаҳрамонлик ва мардлик кўрсатган бу жангчи педагог 3 орден ва 6 медаль билан урушдан қайтган. Бекжон Исмоилов 1946 йилдан то сўнгги вақтларгача мактабда дарс бериб келди.

Юбилярлар орасида мактабда ҳамон ғайрат билан ишлаб келаётган Аҳад Мавлонов ҳам бор. Кўриниши йигитлардек навқирон бу муаллимни ҳеч ким 60 дан ошган демайди. Унинг 35 йиллик меҳнат фаолияти ҳақида ҳар қанча илиқ гаплар айтса арзийди. Халқ маорифи аълочиси ўртоқ Мавлонов ўқувчиларга биология илмини пухта ўргатаётир.

Ҳамма ҳурмат қиладиган яна бир табаррук она Рокия Ғалимхонова ҳақида тўхталмай бўлмайди. Коллектив орасида ғоят меҳнаткашлиги билан алоҳида ажралиб турадиган бу аёл озодалик посбони. Мактабнинг ҳамиша саришталиги ва тартибини кўриб унга раҳмат айтасиз. Камтарин меҳнатидан обрў топган Рокия Ғалимхонованн ҳам коллектив иззат-икром билан пенсияга узатади, унга узоқ умр, бахт-саодат тилаб қолади.

Бир йўла 12 мўътабар кексани пенсияга узатиш маросими юбилярларда унутилмас хотира қолдириши шубҳасиз. Мактаб маъмурияти, партия, касаба союз, комсомол ва пионер ташкилотлари уларни эслаб, ҳурматларини бажо келтирганликлари таҳсинга сазовор.

Бугунги мактаб коллективи билан бирга биз ҳам ҳурматли устозларга — муҳтарам маърифатчиларга кўп йиллар сиҳат-саломатлик тилаб, шогирдлари сафида қувноқ кунларимизга гувоҳ бўлиб юришларини истаймиз.

Ш. УМУРЗОҚОВ.



Суратда: пенсияга узатилаётган кекса ўқитувчилар.

А. Абалян фотоси.

# РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР

## АТЕЛЬЕДАГИ ТЎРА

Мен тўрт боланинг онасиман. Болаларим ҳам, ўзим ҳам санъатни севамиз. Хонадонимизни радиосиз тасаввур қилолмаймиз. Шунинг учун ўтган йили «Регонда» маркали радиоприёмник сотиб олган эдик. Приёмникнинг «тилига» яхши тушунмаганлигим учун уни ўрнатиб беришларини сўраб Чилонзор районидаги «зангори экран» телевизион ателъесига мурожаат қилишга тўғри келди.

Маиший хизмат кўрсатиш ателъесининг ходимлари менинг бу илтимосимни бажонидил бажариб, оиламизни ҳурсанд қилишар, деб ўйлаган эдим. Афсуски, янглишган эканман. Ателье бошлиғи ўртоқ Красиков тўғри муомала билан тушунтириб бериш ўрнига «уйингизга бориб приёмникни гапиртириб берадиган бекорчи мастеримиз йўқ» деб хонасидан қувлагудек қилиб чиқариб юборди.

Ахир шу ҳам маиший хизмат кўрсатишми?

**С. ДОЛИХУЖАЕВА.**
**Чилонзор район, 7-квартал, 54-уй.**

## ЧОЙХОНА ЙЎҚ

Ғазалкент ўзининг кўм-кўк манзараси билан донғи кетган. Ахир ёзнинг иссиқ кунларида соя-салқин дарахтлар тагида, шарқираб оқиб турган зилол сув бўйида ўтириб мириқиб кўк чой ичганингга нима етсин. Лекин ғазалкентликлар учун бу насиб бўлмаяпти. Ғазалкентнинг янги шаҳар участкасида иккита ўрта мактаб, ўрмон хўжалиги, сув хўжалиги, ҳаттоки, Оржоникидзе район матлубот жамиятининг бир бўлими ҳам бор. Тушган кун бу ташкилотларда бир неча юзлаб кишилар хизмат қилади. Албатта, уларнинг ҳаммасига шу ердаги биргина буфетнинг ўзи маданий хизмат кўрсата олмайди.

Биз Бўстонлиқ матлубот жамияти раиси Мўминов ва партия ташкилотининг секретари Эгамбердиев ўртоқлардан Ғазалкентда чойхона очиб беришларини илтимос қиламиз. Чойхона фақат чанқов босадиган жой эмас, балки маданий дам оладиган жойлардан бири бўлиши керак.

**И. НУРИДДИНОВ.**
**Ғазалкент ишчилари ва қариялари номидан.**

## ГАЗЕТХОНЛАР РАНЖИМОҚДА

Кунлик газетани ўз вақтида ўқиб, янгиликлардан хабардор бўлиб туриш, кишилар учун эртанги нонуштадек одат тусига кириб қолган. Афсуски Калинин район алоқа бўлими ходимлари буни негадир тўғри тушунишни исташмаяпти.

Санитария-эпидемия станциясининг врачи Исмоил Исмоилов 1967 йил учун обуна бўлган «Ленинчи», «Вечерний Ташкент» газеталарининг бирорта номерини ҳам шу кунгача ололмай келяпти. Шунингдек станция санитаркаси П. Ҳайирова ҳам ўзи обуна бўлган «Правда Востока» газетасини жуда кечикиб олаётганлиги тўғрисида зорланиб гапиради. Районимизда алоқа бўлими хизматидан ранжиётган кишиларни кўплаб санаб ўтиш мумкин. Лекин район алоқа бўлими мудири Мирзаев, «Союзпечать» бошлиғи Пукерман ўртоқлар бу ҳаққоний эътирозларни тан олишни истамаяптилар.

**О. ТУРҒУНОВ.**
**район санитария-эпидемия станцияси ходими.**

# ҚЎЛИ ГУЛ БИНОКОРЛАР

Луначарский шоссесидаги қурилишларида бошқа қурувчилар қатори 159-трест 13-қурилиш бошқармасининг азамат бинокорлари ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар. Мазкур бошқарманинг йўлдош Абдуллаев бошлиқ комплекс бригадаси аъзолари 40 квартирали турар-жой биноси қурилишини жадал олиб боришяпти. Улар бу ишга январь ойининг охирларида киришишган эди. Меҳнатсеварлар шу кунларда биноннг 4-қаватига ғишт теришни тугатиб қўйдилар.

Коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном учун курашаётган бу аҳил коллектив икки йилдан бери хўжалик ҳисоби асосида ишламоқда. Шунинг учун ҳам бригадада қурилиш материалларини тежаб-тергаб сарфлаш одат тусига кириб қолган. Бундан эса аввало қурувчиларнинг ўзлари моддий манфаат кўрмоқдалар. Тежамли ишлаш туфайли ҳар ойда мукофот олишяпти. Жумладан, март ойида 400 сўм пул мукофотн олишди.

Бинокорлар юбилей йилида объектларни аъло ва яхши баҳоларга топшириш, йил охиригача 10 минг дона ғишт, 11 тонна цемент, 15 кубометр ёғоч материалларини тежаб қолиш юзасидан зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Бригадада ойлик план доимо 150 процент қилиб адо этилмоқда. Бу ютуқларни қўлга киритишда ғишт терувчиларидан Маҳинон Самиғжонов, Бўрибой Маҳамадов, Анвар Халилов, Зоҳит Қосимов, ёрдамчи ишчилар Зинаида Смолянинова, Валентина Бурякова ва бошқаларнинг ҳиссаси каттадир. Улар кунлик нормаларини икки баравардан бажариб, ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар.

Сўзи билан иши бир ахил коллектив мазкур бинони кўрсатилган муддатдан икки ой илгари 20 майда тўла қўлдан чиқариб, пардозчиларга топширишга ҳаракат қилмоқда. Бинёдкорлар албатта бунинг уддасидан чиқадилар. Чунки шу кунлардаги ғайрат-шижоатга тўла меҳнатлари бунга шубҳа қолдирмайди.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

# СТУДЕНТЛАР 50 ЙИЛЛИККА

Театр ва рассомчилик санъати институти Николай Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» асари асосида ишланган инсценировкани саҳналаштиряпти. Инсценировкани ЎзССР халқ артисти Т. Ҳўжаев таржима қилган.

Асосий ролларни драма-актёрлик факультетининг 2-курс студентлари ижро этишади. Спектакль Совет ҳокимиятининг 50 йиллик тўйи арафасида институт саҳнасида намойиш қилинади.

А. НОДИРОВА.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ВЕНГРИЯ МАДАНИЯТИ ДЕКАДАСИ ОЛДИДАН

# БИР БОШ УЗУМ

Бадоченини мадёрлар мусаллас макони дейишаркан. Шу ердаги машҳур Балатонолига номли узумчилик совхозида бўлдик. Минг гектар токзорда 14 хил узум етиштирилади — итальян, француз, афузали, матхиояошнни ва бошқалар. Ҳар бир навнинг ранги ва мазаси бошқача. Бири кўкимтир, бири тимқора... Лекин уларнинг таъми нордон, айни мусаллабоп. Совхоз марказий бўлимининг бошлиғи Южеф Дёри билан 300 гектарлик узумзор оралаб борар эканмиз, ҳар бир туп ток барглари орасидан шиғил-шиғил узум бошлари мўралаб тургандай туйиларди. Ҳавасимиз келганидан унисидан бир, бунисидан бир чўқилаб, тўйиб қолибмиз. Бўлим бошлиғи бизни олдинга бошлаб, бир туп ток олдига олиб келди. Хайрон қолдик. Ҳосили шу қадар кўпки, токнинг занги аранг кўринади.

— Бу янги нав, ўзимиз етиштирган «Бадачани», — деди у, — бир бош донадор узумни икки кафтида охиста кўтариб туриб. — Бу учинчи йилги ҳосил. Тўрт кило келади поф қилмасам. Қаранг, ҳар бир донаси ёнғоқдай. Еб кўринг. Шираси оз бўлгани билан мусалласи қулинг ўргулсин бўлади. Чап томонингиздаги ўн гектар майдоннинг ҳаммаси шу навдан. Бу нав хўжалигимизга катта даромад келтиряпти. Ўтган йили ҳар гектаридан 250 центнердан ҳосил кўтардик. Чамалаб кўрсак, бу йилшиғилки, асти қўяверинг. Уй томонга ўтганимизда гулзорга кўзимиз тушди. Оқ, қизил, пушти гуллар қийғос очилиб, хушбўй ҳид таратиб турибди.

Одатга кўра уй бекаси бизни шу узумзор, гулзорга қаратиб солинган шийпонга таклиф этди. Нознеъматлар билан безатилган дастурхон атрофида қизғин суҳбат бошланиб кетди. Мен райком секретаридан район экономикаси тўғрисида гапириб беришни илтимос қилдим. Менинг илтимосимни мамнуният билан қабул қилган секретарь куйидагиларни ҳикоя қила кетди:

— Районимиз экономикасида чорвачилик, узумчилик ва ғаллакорлик асосий ўринни эгаллайди. Ҳар бир хўжаликда ўзига яраша сигир, қорамол, қўй ва чўчқа бор. Биздаги сигирларнинг қарийб ярми зотдор. Ўтган йили район бўйича ҳар бир соғин сигир ҳисобига 2.500 литрдан сут олдик. Сутимиз серқаймоқ. Узумчиликда ҳам бошқа районлардан қолишаётганимиз йўқ. Ҳар гектар узумзордан 10—12 тонна миқдорида ҳосил олинаяпти. Ўтган йили ғалладан мўл ҳосил олинди, ҳосилдорлик ҳар гектарига салкам 10 центнердан кўтарилди. Район партия комитетининг аппарати район экономикаси ва маданиятини юксалтириш юзасидан кўп тадбирларни амалга оширди. Аммо қиладиган ишларимиз жуда кўп. Янги режалар тузиб қўйганмиз.

Шу орада уй бекаси бир лаган қовурма келтириб, винодан қуймайсизми меҳмонларга, деди. Рамс хотинига хўп бўлади ишорасини қилиб стаканларга вино тўлдирди.

— Уз қўлимиз билан танёрларганмиз, — деди у илтифот билан.

Сўнг колхоз раиси хўжаликнинг экономикаси тўғрисида сўзлаб берди. Колхозда 900 та соғин сигир, 1600 та қўй, 50.000 товуқ борлигини, ҳар бир сигирдан 2.300 литр сут соғиб олинаётганини айтиб берди. Колхоз хўжаликларининг турмуши, маданий ҳаёти ҳақида гапириб, кўпгина мисоллар келтирди. Ҳар бир колхозчи ойига ўртача 1500 форинт маош олар экан. Ҳар бир хўжаликнинг ўз боғи ва ер участкаси бор экан. Андраш гапга аралашиб:

— Биласизми, бизда яхши одат бор, — деди менга сўз қотиб.

— Йўқ, билмайман. Қани айтингчи қандай одат экан? — сўрадим ундан.

— Ҳаммамиз турайлик бўлмаса, меҳмон билиб олсинлар. — деди у ҳаммага мурожаат қилиб.

Ўрнимиздан турдик.

— Юринглар, — деди қиз ва район марказига Давчарга етиб келганимизда тушки овқат маҳали бўлиб қолган эди. Район партия комитетининг биринчи секретари Ференц Ковач бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Ҳамроҳим «Напло» газетаси редакторининг ўринбосари Кишдек Южеф мени секретарь билан таништирди. Хайр-хўшдан кейин райком секретари бизни «Волгага ўтиришга таклиф этди. Сердарахт ва озода кўчалар оралаб ўтиб, равон йўлга тушиб олдик. Икки томони кўмкўк дарахтлар билан қопланган дала йўлида тахминан йигирма километрча юриб, катта бино олдида тўхтадик. Ёши элликлар чамасидаги ўрта бўйли киши биз томон келабошлади. Биз у билан танишдик. Кўринишидан бардам ва сергайрат раиснинг исми Агнеш, фамилияси Торнайи экан. У бизни колхоз правлениеси биносига бошлади. Бинони айланиб чиққач, раис бизни ўз уйига таклиф этди.

— Мана бу хоним менинг хотиним, бу Андраш—менинг қизим,— деди, у,—кечаги мен айтган азиз меҳмонимиз шу киши,—қўшимча қилди менга қараб. Саммий саломлашгандан кейин ичкари кирдик. Катта ҳовли узумзор бўлиб, оқ ва нимранг узум бошлари товланиб турибди. Ҳосили шу қадар бизни бинонинг чап томонига бошлади.

— Эй, шайтоней, — деди отаси дарҳол фахмлаб ва қизини эркалатиб. — Балосанда, бало.

Ҳаммамиз роса кулишдик. Иморат тагидаги катта ертўлага тушдик. Шам лип-лип ёниб турибди. Ертўлада катта-кичик олтита бочка бор экан. Буларнинг ҳар биридаги мусаллас ҳар хил экан.

Қиз катта бочкадаги винодан стаканларга тўлдирди-да, улардан бирини менга узата туриб:

— Азиз меҳмон келганда бизда доимо шундай кутиш одати бор, энди тушунгингизми? — деди ҳандон кулиб.

— Офарин, сизга! — дедим қизга ғоятда ҳайратланганимдан.

— Сиз эътибор билан тинглang, — деди қиз шўхчан боқиб, —мен сизга Лермонтовнинг «Оқариб кўринар елкан» деган шеърини русчасига ёддан ўқиб бераман. Хатоси бўлса тузатасиз. Чунки талаффузда кўноқман, иннайкин бу шеърни ёд олганимга кўп йил бўлди.

Қиз улуғ шоирнинг бу ажойиб лирик шеърини завқ билан ўқиди. Аммо, ўзи эътироф этганидек унинг талаффузи равон бўлмасада, ёқимли овози ҳар бир сатрга оҳанг бахш этгандек туюлди менга.

Яна марказга қайтиб келиб, закусочноега кора кофе ичиш учун кирдик. Тасодифни қарангки, биз стол атрофига ўтиришимиз ҳамоно, бир кекса киши бизнинг олдимизга келди. Фаҳмлашимча, менинг шерикларим ўз тилларида Совет Иттифоқи тўғрисида нималарнидир гаплашишган бўлса керакки, уларнинг гапи чолнинг қулоғига чалингану даҳол бизнинг ҳузуримизга келди. Уни даврага таклиф қилган эдик, эътироз билдирмай ўтирди-да, менга ҳайратомуз назар ташлади. Сўнг қарши томонда ўтирган райком секретарига бирнима деган эди, у бош чайқаб тасдиқлади. Шундан кейин чол менга томон бурилиб, савол тариқасида мурожаат этгандай бўлди. Таржимон унинг гапини тушунтириб турди.

Ковач Дьюло исмли бу деҳқон 1917 йилдан 1920 йилга қадар Россияда бўлган экан. У ёш Совет республикасини мажақлаб ташлаш учун бутун тиш-тирноғи билан ҳамла қилган душманни ер билан яксон қилиш учун олиб борилган қаҳрамонона жангларда иштирок этган экан. Қарийб бир ярим йил чамаси Петрозаводскдаги заводда ишчи бўлиб ишлаган.

— Россияда ўша даврда юз берган жуда қийин аҳволни эсласам, юрагим ичимга тортиб кетади, — дея ҳикоя қилди у, — Вайронгарчилик, очлик, уруш даҳшати асло кўз олдимдан кетмайди. Аммо, ишчи ва деҳқонлар Ленин ва коммунистлар партияси бошчилигида шундай довюраклик билан жанг қилдиларки, бунга душманлар бардош беролмади. Мен ўзим партизанлар сафида туриб, Совет ҳокимияти учун бир ярим йил курашганман. Яралар бўлганимдан кейин фронтдан мени жўнатишди. Госпиталда даволанганимдан сўнг заводда бир йилча ишладим. Мен топширик билан Сибирга ҳам борганман. Қор шундай қалин, изғирин совуқ эдики, баданни тешиб юборгудай. 1920 йилнинг охирида Венгрияга қайтиб келдим. Шундан бери ҳали Россияга борганим йўқ. Ҳаммаёқ ажойиб бўлиб кетгандир, меҳмон?

— Худди шундай. Энди борсангиз Россияни танимайсиз, бутунлай бошқача бўлиб кетган, — дедим мен унга жавобан.

— Ҳа, шундай денг. Ўзим ҳам жуда антиқа бўлиб кетгандир деб ўйлаб юраман. Одам одамга дўст бўлган элда фароғатчилик бўлади, ўғлим, — деди у. — Ўзимизнинг юртимиздан ҳам шуни қиёс қиламан. Мен ҳозир етмиш ёшга кирдим. Бир ўғил, бир қизим бор. Набираларим бешта. Шуларнинг юриш-туришини кўриб, жуда хурсанд бўламан.


Бу нуроний, дилкаш чол билан ҳийла гаплашиб ўтириб, қора кофе ичдик-да, сўнг у билан ҳушлашиб қароргоҳимизга қайтиб келдик.

Вечпрем областининг жуда кўп ерларида бўлдим. Алюмин, наслдор отлар, чинни, шиша заводларини бориб кўрдим. Бакон тоғининг энг баланд қисмига жойлашган дам олиш уйи ажойиб таассурот қолдирди.

О. АБДУРАҲМОНОВ.

## ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН

## ДЎСТОНА ҲАМКОРЛИК



Будапешт шаҳрида ўтган йили йирик панелли уйсозлик комбинати муддатидан илгари ишга туширилди. Совет ускуналари билан жиҳозланган бу комбинатда йилига 1800 квартирага етарли йиғма элементлар ишлаб чиқарилмоқда.

МТИ—ТАСС фотоси.

## ҚАРДОШ МАМЛАКАТ ВАКИЛЛАРИ

Қардош венгер халқи билан ўзбек халқи ўртасидаги дўстлик алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳар йили Венгриядан Ўзбекистонга, Ўзбекистондан эса Венгрияга икки ҳам халқ вакиллари бориб келиб турадилар. Саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасидаги тажрибаларини ўртоқлашадилар. Ўзаро ҳамкорлик икки қардош халқ маданиятининг ўсишига, гуллаб-яшнашига ҳам ёрдам бермоқда. Яқинда Ўзбекистонда ўтказиладиган венгер маданияти декадаси ҳар икки халқ ҳаётида муҳим воқеа бўлади.

Албатта, газетхонларимиз Ўзбекистонга қардош Венгрия мамлакатидан кимлар келиши, делегация составида кимлар борлиги билан қизиқадилар. Марҳамат, танишишингиз мумкин.

Делегация состави 50 кишидан иборат бўлиб, унга Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий контроль комиссияси раиси, Венгрия Халқ Республикаси Давлат Кенгаши депутати Янош Бруттьо бошчилик қилади.


Делегация составида Венгрия-Совет дўстлиги жамияти президиуми раисининг ўринбосари, ёзувчи ва адабиётшунос, Кошут мукофоти лауреати, Венгрия Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Ласло Кардош; Венгер-совет дўстлиги жамияти Хайду область правлениеси раиси, Дебрецен шаҳридаги ўқитувчилар институти директори Шандор Шюте, жамиятнинг чет эллар сектори мудири Ференц Марьяшек ва бошқалар бор.

Энди сизларни делегация составида бирга келаднган санъат арбоблари билан таништирамиз. Ўзбекистонликлар декада кунларида рассом Ласло Бокрошнинг ҳар хил жанрдаги санъат намуналарини кўрадилар, Будапешт операси солистлари Агнеш Вамош ва Лайош Селлё, композитор ва эстрада ашулачиларининг ижрочиси Аттила Добош, халқ ҳўшиқларининг машҳур ижрочиси Каталина Мадарас ашулаларини эшитишлари мумкин. Делегация составидаги Ференц Эркель номидаги халқ музика ва рақс ансамбли раҳбарлари Илона Шамоди ва Иштван Алби, ансамблнинг хореография Дьёрдь Маннигер ва бошқалар ҳам сизларни ўз санъатлари билан ҳушнуд этадилар.

Тошкентликлар декада қатнашчилари бу ерга келгач, эртасигаёқ композиторлар, вокалчилар ва рақсларнинг ижодлари билан таништирадилар. Декада очилишига бағишланган концерт программасида ана шулар кўрсатилади.

# Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР



МОНРЕАЛЬ. «ЭКСПО—67» халқаро виставкасида. Суратда: виставка қатнашчилари совет павильонини кўздан кечиришмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

## ЕВРОПАДА ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК УЧУН КУРАШ ПРОГРАММАСИ

БЕРЛИН, 11 май. (ТАСС). «Нойес дойчланд» газетаси бугунги сонида куйидагиларни ёзади: Европадаги Коммунистик ва ишчи партиялар Карлови Вари конференциясида шундай ҳаракат программасини ишлаб чиқдиларки, бу программанинг амалга оширилиши Европани тинчлик қитъасига айлантириши мумкин. Коммунистик ва ишчи партиялар «Европада тинчлик ва хавфсизлик учун кураш» деган баёнотида кескинликнинг кучайтирилишига равшан ва конструктив программани қарама-қарши қўйдилар. Бонн-Вашингтон агрессив иттифоқи ва Ғарбий Германия империализмининг экспансиячилик сиёсати вазиятнинг кескинлашувига сабаб бўлди.

Карлови Вари конференцияси, деб таъкидлаб ўтилади мақолада, Боннинг «янги шарқ сиёсати»га чек қўйди. Бу сиёсат тинчликка таҳдид қилаётган экспансиячилик сиёсати сифатида фош қилиб ташланди.

«Нойес дойчланд» газетаси яна қуйидагиларни ёзади Карлови Варида қабул қилинган баёнотда Германия Демократик Республикасининг куч-қудрати ўсиб бораётганлиги ва унинг конструктив тинчлик сиёсати таъкидлаб ўтилади. Бу сиёсат Ғарбий Германия империализми планларининг амалга оширилишига жиддий тўсқинлик қиладиган ғовдир. Мақолада бундай дейилади: «Коммунистик ва ишчи партиялар коллектив суратда ишлаб чиққан баёнот қондаларининг Германия Бирлашган Социалистик партияси VII съездининг қарорларига принципиал жиҳатдан мос келганлиги Европадаги қардош партияларнинг Германия Бирлашган Социалистик партияси билан ва тинчликсевар социалистик герман давлати билан бирдам эканликларини исбот қилади. Шундай қилиб, бизнинг партиямиз каби Европадаги бошқа Коммунистик ва ишчи партиялар ҳам Германия Демократик Республикасини таниш Европа хавфсизлигининг муҳим масаласи бўлиб қолди, деган фикрларини изҳор қилдилар».

«Карлови Вари конференцияси, деб ёзади яна «Нойес дойчланд» газетаси, ҳаракатимиз тарихида муҳим ўрин олади. Бу конференция Коммунистик ва ишчи партияларнинг ҳамкорлиги ва ўз сафларининг жипслиги туфайли инсоннятни урушдан халос қилиш ва ижтимоий тараққиёт учун шарт-шароит вужудга келтирилишиди таъминлашдан иборат тарихий вазифаларини бажараётганликларини яққол исбот этади.

«Европадаги Коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари халқаро аҳволни тамомила янглилик билан марксча-ленинча таҳлил этдилар ва Европадаги барча мамлакатлар учун ироқли бўлган умумий программани ишлаб чиқдилар».

«Конференция ва унга тайёргарлик пролетар интернационализми руҳида, ижодий ва конструктив фикрлашиб олиш вазиятида ўтди. Конференция партиямизнинг ҳар қандай қардош партия коммунистик ҳаракат билан маҳкам жипслашиш натижасидагина ўзининг бевосита миллий вазифаларини бажара олади, деган фикри тўғри эканлигини тасдиқлади. Карлови Вари конференцияси марксизм-ленинизмнинг халқаро майдондаги таъсирини, Коммунистик партияларнинг халқаро кенгашларини чақириш фойдали ва зарур эканлигини, ҳаракатимизнинг барча қардош партиялар учун мақбул бўлган стратегияси ва тактикасини биргаликда ишлаб чиқиш тамомила мумкин ва зарур эканлигини яна бир марта исбот нилди». Конференция халқаро коммунистик ҳаракат тобора муваффақият қозонаётганлигини ёрқин ифода этди. Карлови Вари конференциясининг муваффақиятли ўтганлиги ва унинг конструктив қарорлари туфайли, — деб хулоса чиқаради «Нойес дойчланд» газетаси, жаҳон конференциясини чақириш учун, шубҳасиз, янги шароит ва қулай вазият вужудга келди. Коммунистик ва ишчи партияларнинг ғоят кўпчилиги бундай конференцияни чақириш тарафдори бўлиб майдонга чиқмоқда».

## „Правда“ мухбири Пекиндан жўнаб кетди

ПЕКИН, 11 май. (ТАСС). «Правда»нинг Хитой Халқ Республикасидаги ўз мухбири В. М. Пасенчук бугун Пекиндан ватанига жўнаб кетди. Хитой маъмурлари В. М. Пасенчукдан мамлакатдан чиқиб кетишни ҳеч бир асоссиз талаб қилганликлари сабабли у Хитойдан чиқиб кетди.

Пекин вокзалида В. М. Пасенчукни социалистик мамлакатларнинг мухбирлари самимий кузатиб қўйишди. Чет эл телеграф агентликлари ва газеталарининг вакиллари бўлган мухбирлар, бир қанча мамлакатларнинг Пекиндаги элчихоналари матбуот—атташелари ҳам совет журналистини кузатиб қўйиш учун келишди.

## И. ГАНДИ СЎЗИ

ДЕҲЛИ, 11 май. (ТАСС). Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди кеча Ҳиндистондаги чет эл мухбирлари олдида нутқ сўзлаб, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг бир қанча масалаларига тўхталиб ўтди.

Бош министр жумладан, умумий сайловларнинг натижалари ҳақида гапириб, бу натижалар мамлакатда аҳвол барқарор эканлигини исбот қилади, деб таъкидлади.

Ҳиндистон-Покистон муносабатларига тааллуқли саволларга жавоб қайтариб, И. Ганди ҳар иккала мамлакат олдидаги бир хилдаги проблемаларни муваффақиятлироқ ҳал этиш мақсадида ўзаро дўстона муносабатларни кучайтириш ҳар иккала мамлакат учун муҳим эканлигини уқтириб ўтди. Ҳиндистон, деди Бош министр, Покистон билан яхши муносабатлар ўрнатишга ва низоли проблемаларни тинч йўл билан ҳал этишга доим интилиб келди.

## Марказий разведка бошқармасининг янги хуружи

ЛОНДОН, 11 май. (ТАСС). «Маданият эркинлиги учун кураш конгресси» ташкилоти 1966 йилнинг январь ойигача АҚШнинг марказий разведка бошқармасидан ёрдам тариқасида пул олиб турган. «Конгресс» Бош ассамблеясининг президенти Миноо Масани (Ҳиндистон) Лондонда ўтказилган матбуот конференциясида буни эътироф қилди. Штаб квартираси Парижда жойлашган бу ташкилот кўп йиллардан буён «интеллектуал эркинликни ҳимоя қилиш» шиори остида социалистик мамлакатларга карши кампанияни авж олдириб юборди.

## АГРЕССИЯГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК КЕРАК!

### УРУГВАЙ

Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг баёнотида бундай дейилади: «Уругвай Коммунистик партиясининг Марказий Комитети ўзининг барча ташкилотларини ва ҳамма аъзоларини, шунингдек ишчилар синфини ва Уругвайнинг бутун халқини қаҳрамон Вьетнам халқи билан бирдамликни кучайтиришга чақиради». Баёнотда Вьетнамдаги урушнинг кучайтирилиши бутун инсоннятга нисбатан очиқдан-очиқ қилинган дағдаға эканлиги кўрсатилади. Уругвай Компартиясининг Марказий Комитети Америка агрессорларини мағлубиятга учратиш ва ўз озодлиги учун қурашаётган Вьетнам халқининг тезроқ галаба қозонишига кўмаклашиш мақсадида коммунистик ҳаракатнинг жаҳондаги барча революцион ва антиимпериалистик кучлар билан бирлиги учун курашга қатъий қарор берганлигини изҳор қилади.

### ФРАНЦИЯ

Франция хотин-қизларининг жуда кўп делегациялари — Париж шаҳри, Марна, Нор, Па-де-Кале, Юқори Марна департаментлари ва бошқа парламентлардаги турли жамоат ташкилотларининг вакиллари Америкаинг Париждаги элчихонасига бордилар ва Америка авиацияснинг Вьетнам Демократик Республикаси территориясини вахшиёна бомбардимон қилаётганлигига қарши қатъий норозилик билдирдилар.

Хотин-қизлар элчихонага топширган хатларида Америка агрессияси дарҳол тўхтатилсин, деб талаб қиладилар.

Француз хотин-қизлар иттифоқининг маҳаллий федерациялари норозилик хатларини Америкаинг Марсель Лпон, Бордодаги ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги консулларига ҳам топширдилар.

### А Қ Ш

АҚШдаги негрлар ҳаракатининг машҳур арбоби, Нобель мукофоти лауреати Мартин Лютер Кинг Вьетнамдаги урушга қарши ва АҚШнинг Вьетнам ишларига аралашувига қарши яна қатъий норозилик билдирди.

Кинг Атлантада нутқ сўзлаб, ана шу урушни кучайтириш йўлидаги ҳар бир янги қадам жуда катта хавф туғдиради, деди. У, гражданлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳаракатининг тарафдорлари Вьетнамдаги урушга қарши норозилик ҳаракатида иштирок қилишлари лозим, деб яна таъкидлади. (ТАСС).

## У ТАННИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 12 май. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида рўйхатга олинган журналистларнинг нонушта зиёфатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари У Тан кеча нутқ сўзлаб, Америка авиацияси томонидан Вьетнам Демократик Республикасининг территорияси бомбардимон қилинаётганлигини тўхтатиш натижасидагина Вьетнам можаросини тинч ҳал қилиш учун шароит вужудга келиши мумкин, деб уқтириб ўтди. «Шимолий Вьетнамни бомбардимон қилиш давом эттанлиги, деди У Тан, музокаралар қилиш йўлида асосий гов бўлиб турибди, деган фикрда эдим, ҳозир ҳам мен бунга жуда аминман».

Бош секретарь Қўшма Штатларни огоҳлантириб, АҚШнинг Вьетнамдаги уруш ҳаракатларини кенгайтираберишн учинчи жаҳон уруши ҳавфини туғдиради, деди.

У Тан айтдики, Американинг Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишини ҳеч сўзсиз тўхтатиши сулҳ музокаралари олиб бориш учун мутлақо зарур шартдир ва можаронн тинч бартараф қилишга имкон берадиган биринчи қадамдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари апрель ойида Осиё бўйлаб қилган сафарида Афғонистон, Ҳиндистон, Непал, Покистон ва Цейлон ҳукуматлари билан музокаралар олиб борган эди. Ўша музокараларда шу ҳукуматлар ҳам мана шундай фикрда эканликларини айтдилар. У Тан Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг бомбардимон қилишлар давом этиб турган бир вақтда музокаралар олиб бориш мумкин эмас, деган гапларини эслатиб ўтди.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ 525 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН

# НИЗОРИЙ МУХАММАСЛАРИ

Абдураҳмон Низорий Уйғур маданияти тарихида шеърият бўстонидан ўзига муносиб, қутлуғ ўрин олган улкан сиймолардан бири ҳисобланади. У 1770 йили Қашқар шаҳрининг Булоқбоши маҳалласида бўёқчи оиласида дунёга келади, 1848 йилда — 70 ёшида вафот этади.

Низорий йигирма беш ёшидаёқ етук олим, моҳир таржимон ва улкан шоир сифатида халқнинг ҳурматини қозонади.

Абдураҳмон Низорий илк ижоди davrиданоқ улуғ мутафаккир Алишер Навоий асарларини севиб ўқийди ва уни устоз деб танийди. Навоий асарлари Низорийга илҳом манбаи бўлади. У шеърларида ҳам, достонларида ҳам Навоийнинг издош шогирдларидан эканлигини намойиш қилиб боради. Шоирнинг ўн саккиз достони ва икки шеърий қиссасини, кўплаб ғазаллари, байтлари, мухаммасларини ўқиган киши буюк Навоийни ўзига мураббий деб билган шогирднинг устоз «Ҳамса»сидан йўл-йўриқлар олганига қаноат ҳосил қилади. Унинг саксондан зиёд мухаммасининг қарийб ярми Навоий ғазалларига боғланганлигини айтиш кифоя.

Қуйида Низорийнинг Навоий ғазалларига боғлаган мухаммасларидан намуналар берилди.


**Рўзи ҚОДИРИЙ.**

# НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИГА МУХАММАСЛАР

Обнуси тахт узра ўлтурди ҳар тун шоҳ субҳ,
Ерлиғ қилди дегил гулбанги илоллоҳ субҳ,
Шод бўлғил эй ниёз аҳли очиқ доргоҳ субҳ,
Ахтарин ашқ эттию совуғ нафасни оҳ субҳ
Бўлди гўё шомли ҳажрим ҳолидин огоҳ субҳ.
Минди бўз ашҳабга ҳар тун ўзни чалок айлади,
Шом зулмат қайғусидан жисмини пок айлади,
Толиби дилхасталар чашмини намнок айлади,
Ғам туни муҳлак ғамим англаб яқочок айлади,
Тонг елидан ҳар нафас ҳолимға тортиб оҳ субҳ.
Етмадим мақсад ҳарими ичра вахким номима,
Тўлдуруб бу чархи золим ғам огусин жомима,
Кечти тун қайғу била, андуҳ ила айёмима,
Тийра ҳижрондин чу йўқтур фарқ субҳу шомима,
Оҳ шом ўлсун қарорғон, рўзгорим, хоҳ субҳ.
Узлукумдин бу фано водийсида топман хабар,
Ким надомат ўтида қолмай вужудимдин асар,
Ошиқи бечорага не шом бўлғай, не саҳар,
Дуди оҳимдин қарорғон ҳажр шомидин батар,
Бўлса ҳижрон қатъида ҳар кун манга ҳамроҳ субҳ
Оҳким ҳижрон туни ғам бирла бўлдум тавоман,
Жон қуши бўлди алам бирла гирифтори жаҳон,
Шоми дайжур ичра ва шабнам каби ашким равон,
Тийра шомим дафъи қилди меҳр зоҳир айлабон,
Яхши борди меҳрибонлигларда шайаллоҳ субҳ.
Даҳр фони ичра айким, бодаи ғам ичгасен,
Нуш этиб ғафлат майин ондоғки ҳар дам ичгасен,
Эй хирад аҳли жаҳон жомини сенким ичгасен,
Хуштурур жоми сабуҳ, эй шайх сен ҳам ичгасен,
Тутса май соқий бўлуб бир меҳр юзлуғ моҳи субҳ.
Бевафо олам умурига топибсан ихтисос,
Айшу роҳатни бериб охирги киргузғай қасос,
Қилмадинг айким ўзунгни ёр ёди бирла хос,
Ғам туни кўҳи балосидин магар бўлмиш халос,
Ким менингдек кўргузур рухсоран чун ноҳ субҳ.
Даҳри бебунёд уйининг ҳосилиға ғам есанг,
Иш эмас эй сифл ҳиммат бу жаҳондин сўз десанг,
Хуш дурур бу даҳр фони зиби таркин, айласанг,
Субҳидам бедору, гирён бўл, агар файз истасанг,
Ким сенинг уйқунгга хандон бўлмасун ногоҳ субҳ.
Ишқ водийсиға туштум наҳрабоден соргайиб,
Ибтилойи ҳажру фурқат шомига бўлдум қариб,
Даҳр ғурбат хонасида ким Низорийдур ғариб,
Эй, Навоий, ул қуёшнинг муждан васлин бериб,
Қилса неткай, шоми ҳажрим меҳнатин кутоҳ субҳ.

* * *

Қилгир кўнгулда эйки қаноатни мужтамаъ,
Томиъ хисолидан қилибон ўзни муктанаъ,
Мурдор учунки қилма доғи нафасни сабаъ,
Ҳақдин азизлиқ тиласанг, элдин ўз тамаъ,
Ким халқнинг аззи деди азза манқанаъ
Кўп айбдурки хислатиға томиъ этса фахр,
Эрмас санадки зиллатиға жамиъ этса фахр,
Хушдур ризойи ҳақни буким шонъ этса фахр,
Мазмундур қаноатидин қониъ этса фахр,
Томиъ хисолидин киши не айлағай тамаъ
Сидқ аҳлининг қошида ажойиб румузадур,
Ишқ аҳлининг ичида ғизо дарду сузадур,
Берманг кўнгулни чарх вафосиз ажузадур,
Ким туъма тобмас этгали афтору рўзадур,
Эрмас варуъ бир очқа ғизо базлидур вараъ,
Бўлғай ўзи ғамини еган дарду оҳ ила,
Ваҳдат майини нуш этар субҳгоҳ ила,
Қилғай насуъ табъасини чеҳра коҳ ила,
Мотам ўзунгга тутки, ўларсен гуноҳ ила,
Бежурм тифлинг ўлгани кониъ дурур жазаъ.
Дард аҳли улки бўлса керакдур табаъ анга,
Хушдур муҳаббати била қилса ражаъ анга,
Ул эр дурурки тобиъи бўлмиш қанаъ анга,
Бир дарманд кўнглида нурсанг важаъ анга,
Гар кўнглунг оғримас, ул эмас, будурур важаъ.
Ғафлат ғурури бирла жаҳон нақдин олмағунг,
Дарду бало оқубатиға ўзни солмоғунг,
Лаҳва тараб сурури балосиға қолмағунг,
Нафс ўлса тобиъинг кишисен, йўқса бўлмоғунг,
Ҳар киши, бўлуб сенга юз минг киши табаъ.
Бўлдунг на суд даҳрда шаҳ тахту тож ила,
Турмас киши бу фони жаҳонда ривож ила,
Бекис Низорий турди ҳамон эҳтиёт ила,
Қоққил, Навоий, ушбу эшикни ложож ила,
Ким собит ўлди фарқда мазмуни манқараъ.



Ширинбой ота Тошхўжаев ўзининг бутун ҳаётини боғ-роғлар яратишга бахш этган нуроний отахонларимиздан биридир. Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхоз аҳли бош боғбон Ширинбой отанин гўзаллик шайдоси, табиат ошиғи, деб бежиз айтишмайди. Колхознинг кўркам ва обод боғини вужудга келтиришда отахоннинг катта меҳнати сингган. Суратда: Ширинбой ота Тошхўжаев ўзи етиштирган гул ёнида.

**Х. Хайитмуҳамедов** фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

# „ҚОРА КЎЗЛАР“

## ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

Сиз ёзувчи Пиримқул Қодировнинг «Қора кўзлар» романини қўлга олишингиз билан жонли манзара, атрофи адр ва қирлардан иборат бўлган кенг ва баҳаво водий, яйлов ва қирлар панорамаси тасвири билан таниша бошлайсиз. Тоғ этакларида эндигина очилган лолақизғалдоқлар, «чўққилардан ошиб ўтолмаган қорамтир булутлар», яшнаб турган арчазор қирлар, яшил ўтлоқлару, пасту баланд адрлар-сайхонликлар маҳлиёси бўлиб қоласиз ва бу ернинг қаҳрамонлари билан, жонли одамлар билан танишасиз. Улар хилма-хил характердаги кишилар. Бири ақлли, бири ўжар, бири очиқ чеҳра, бошқаси тунд, бири доно, бири жоҳил, бири камтар, бири мағрур. Бирининг шиори ҳалол меҳнат билан эл эътиборини қозониш, бирининг нияти ўз шахсий ҳузуринигина ўйлаш — бири иккинчисига ўхшамайдиган, ҳар бири ўз индивидуал хусусиятлари билан ажралиб турадиган жонли, мураккаб характерли шахслардир. Ёзувчи ана шу қаҳрамонлар ҳаётини акс эттириш орқали ўз олдига қўйган ғоявий мақсадни ифода этади ва ҳар бир шахс, ҳар бир деталь зиммасига ана шу мақсаддан келиб чиқадиган бадиий вазифа юклайди.

Аваз — тўғри сўз, дангалчи йигит. Гап келганда акасини ҳам аямайди. Ҳақ ишга хайрихоҳ, эгриликка душман. Характеридаги худди мана шу хусусияти учун у ўқишдан ҳам қолиб кетади. Совхоз чорвасида чўпон бўлиб ишлайди. У болаликдан Хулкарни севади. Холбекка унаштириб қўйилгани учун руҳий қийналади. Охири унга ўз дардини дангал айтиб, кечирим сўрайди. Хулкарга янгича тўй қилиб, уйланади. Аммо уларнинг бу иши эски урф-одат, анъаналар чангалидан ҳамон халос бўлолмаган маҳалланинг қулоқ тушунчали табақасига ёқмайди. Аваз ҳақида. Хулкар тўғрисида ҳар хил туҳматлар тўқишади. Хулкарни Аваз билан «ўйнашиб теккан, бузуқ» деб гап тарқатишади. Ҳатто Авазнинг ўз онаси ҳам уни «ўғлимнинг хотини эмас, ўйнашига ўхшайсан», дейди. Аваз билан Хулкар ўзларининг ҳалол-ҳақ эканлигига ишонадилар. Орқаворатдан отилаётган туҳмат тошларини ирода кучи билан енгадилар. Эр-хотин бир бўлиб, совхознинг чорва хўжалигида оғир касбни бажарадилар. Бир-бирига бўлган муҳаббат, ишонч, меҳрибонлик ҳар қандай қийинчиликларни писанд қилмай енгиб ўтиши учун имкон беради. Аваз совхознинг донгдор чўпони даражасига кўтарилиб, катта эътибор қозонади. Икки ёш қалбнинг муҳаббат билан қурган турмушлари, Хулкарнинг чўпонлик ишига аралашуви баъзи бировлар ўйлагандек чорва хўжалигига офат келтирмайди, аксинча омад келтиради.

Ёзувчи бу икки қаҳрамон биографиясини ғоят ишонарли, мароқли, жозибали, кишилар қалбида ҳавас уйғотадиган қилиб чизади. Шунинг учун ҳам биз уларни дарҳол севиб қоламиз, эътиқод қўямиз. Улар сидқидилдан меҳнат қилади. Омонат ишни ёқтирмайди. Катта ишга — коммунистик қурилишга ҳалоллик билан ҳисса қўшиш ниятида яшайдилар. Аммо «бир палакда неча хил хамак» деганларидек Авазнинг акаси Ортиқ тамомила бошқа одам. Унинг характери Авазникига нисбатан қарама-қарши, У ёлғиз ўзини, ўз манфаатини, обрўйинигина ўйлайди. У мансабни, шуҳратни, бойвачаликни яхши кўради. Мансаб-мартаба учун ака-укачилик уёқда турсин, ота-онадан ҳам кечиб кетаверадиганлар хилидан у. Кимнинг мансаби юқори бўлса, ана шунга салом беради. Хушомадгўйлик, лаганбардорлик билан эътибор орттиришга интилади. Унинг бундай қалбаки одамгарчиликлари укаси Авазга ёқмайди. Уни «лаган» дейди. Аччиқ-аччиқ гаплари билан унга таъсир ўтказмоқчи бўлади. Ортиқ бошқаларга қанчалик «лаган»лик қилса, ўзига ҳам бошқаларнинг шунчалик лаганбардорлик қилишини истайди. Шу туфайли тўғри сўз, меҳнаткаш, дурадгор отаси, дангал гапирувчи укаси, куйди-пишди онасидан ҳам кўра фиску фасодда номи чиққан, тилёғлама Исмат бобо унга ёқади. Ота-онаси ҳолидан ойлаб хабар олмайди.

Ёзувчи Ортиқ образи орқали иродаси заиф, эгоизм ботқоғига ботиб, ижтимоий воқелигимизни тўғри тушунмаган кишилар тоифасини қаттиқ танқид остига олади. Коммунистик онглилик, умумхалқ манфаатини — давлат манфаатини ҳар қандай шахсий манфаатдан юқори қўйиш ғояларини олға суради. Худбинлик, шахсиятпарастлик, мансабпарастлик, сохта мулозиматларга қарши нафрат уйғотади. Жаҳолат, эгрилик, виждонсизлик, бўҳтон орқасида энг ҳалол, меҳнатсевар, қобилиятли кишиларни гуноҳсиз гуноҳкор қилиб, тузатиб бўлмас хатоларга йўл қўйган, жабру аламлар етказган шахслар устидан қаҳрли кулади, ундайларни китобхон ғазабига дучор этади. Шунга ўхшашларнинг ҳамон ёшлар тарбиясига катта зиён етказаётганлигини таъкидлаб кўрсатади. Романдагя — Исмат бобо тимсолида биз ёзувчининг худди ана шу ниятини англаймиз.

Исмат бобо ўта кетган қора юрак, ғояси чирик, виждонсиз ва мансабпараст одам. Ортиқнинг йўлдан озишига, унинг охири бориб, ўз туғилган қишлоғи, ота-онаси, қариндош-уруғлари олдида юзи шувит бўлиб, бошқа ёққа кўчиб кетишига сабабчи ҳам шу Исмат бободир. Исмат бобо ҳам Ортиқ каби маҳалида ким катта бўлса ана ўшанинг соясига салом берарди. Катталарга ёқиш, уларга яхши кўриниб, мартабага эришиш аслида ана шундан қолган. У катталарга яхши кўриниш учун ҳар қандай пасткашликдан қайтмайди. У ўз вазифасида жонбозлик билан ишлаётган Сайфиддин ака (Замоналининг отаси) устидан иғво қилиб юриб, охири қаматиб юборади. Айниқса қариб, кўзи кўр бўлиб қолгандан бери ундаги бу иллат янада авж олган. Шу туфайли унинг олдида ҳамма юрагини ҳовучлаб туради. У ўғли ва қизининг ҳам ўзига ўхшашини истайди. Қизи Суюма оғзи шалоқликда худди унинг ўзи бўлган қўйган. Ўғли Холбекка ҳам унинг нуқси урмай қолмаган, У тунд баджаҳл. Бошқа ота-оналар ўз ўғли билан келинининг иноқ-аҳил яшашидан мамнун бўлса, у бундай тотувликни кўролмайди. Ўғли эшикдан келмасдан туриб, тешикдан келинини унга ёмонлашга тушади. Агар у хотинини дўппослаб урса хурсанд.йўқ эса, «оқ» қилишдан ҳам тоймайди.

Ёзувчи романда Исмат бобо ва Ортиқларга қарама-қарши ўлароқ янгича ахлоқ нормалари тантанасини кўрсатади. Ота таъсиридан йироқлашган, Аваз ва Хулкарларнинг ҳаётига ҳавас билан қарай бошлаган Холбек руҳидаги, унинг онгидаги ўзгаришлар мисолида биз буни жуда аниқ ҳис этамиз. Авваллига отасининг ҳакимчилиги туфайли хотинига яхши гапирмаган, тундлик билан тўрсайиб чиқиб кета берадиган Холбек ҳаётнинг расмона мазмунини тушуна бошлайди. Хотини-қувноқ, қўнғироқ овозли Жаннат — унинг кўзига ҳақиқий жаннат бўлиб кўринади. Унинг қалбида чин маънодаги инсоний меҳр-муҳаббат пайдо бўлади. Унга ўтказган ноҳақ ситамлари учун очиқ кўнгиллик билан афв сўрайди.

Унинг қайта тарбияланиши ва фақат унингтина эмас. Ойкўл қишлоғидаги эски урф-одатларга жонжаҳди билан ёпишиб олган жуда кўп кекса ва ёшлар учун Аваз ва Хулкар муносабатлари, уларнинг янгича турмуш ва меҳнат жараёнлари ибрат ва намуна бўлиб хизмат этади.

Романдаги диққатга сазовор типлардан яна бири Давлатбековдир. Ёзувчи бу образ характерини ғоят мураккаб ва ғоят усталик билан чизади. У фирибгарликда Исмат бобога ўхшаганларни бир чўқишда кўчиради. Давлатбековнинг олдида Исмат бобо ношуд, нотавон бир киши бўлиб қолади. Исмат бобода «виждон», «инсоф» бору, аммо улар юзаки холос. Давлатбековда эса, виждон деган нарсанинг ўзи йўқ. Ортиққа ўхшаганларни ноғорасига ўйнатади. Лаганбардорликни ҳам, тилёғламаликни ҳам сиртига юқтирмай қилади. У бошқаларнинг хизматини ўзиники қилиб кўрсатишга уста. Кишн кўзига ўлиб-толиб ишлаётгандай, ҳамма ишни ўзи қилаётгандай бўлиб кўринади. Ҳатто Аваз ва Хулкарларнинг муваффақиятини ҳам ўзи туфайли қилиб кўрсатишга уринади. «Сен... асфальтни тешиб чиққан гиёҳларни кўрганмисан? Ўсаётган одам ҳам шундай бўларкан. Мен асфальт бўлиб, йўлингни тўсганимда ҳам, сен бир жойимдан тешиб чиқасан. Ундан кўра ўзим сенга ён босганим яхши эмасми?» дейди у Авазга. Аммо Давлатбековнинг айёрлиги, қувлик ва мўлтонлигини яхши билган Аваз у қурган тузоқларга илинмайди. Район кенгаши минбаридан фойдаланиб, унинг башарасини очиб ташлайди.


«Давлатбеков нимага қўл урса сирти ялтироқ, ичи қалтироқ бўлиб чиқади. «Маданият» десангиз «хўжа кўрсинга» лекция ўтказади. Қанча ҳаракатлар билан қишлоққа электр олиб борилса, шунга ҳам «мендан кетгунча, эгасига етгунча» деб қарайди. «Чўпоннинг яхши ишини юзага чиқар дейилса, бунга ҳам, мана, ёлғон аралаштириб ўтирипти, ҳамма иши омонат! Ҳаммасини иш битиб, эшаги лойдан ўтишига мослайди...» дейди Аваз.

Кўп жиҳатлари билан Аваз ва Хулкар характерини эслатадиган Замонали ва Чўлпоной образлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш керак. Улар давримизнинг илғор, ўқимишли, юксак онгли кишиларидирлар. Улардаги кўпгина сифатлар бош қаҳрамон Аваз ва Хулкар образларини тўлдиради. Уларга мукаммаллик беради. Замонали институтни битириб, баъзи ёшлардай шаҳарда қолишни ўйламайди. Ўзи туғилиб ўсган она қишлоғига интилади. Уни обод қилиш, фаровонлаштириш, аҳолисининг маданий-маиший аҳволини яхшилаш, юксалтириш учун курашади. Фақат коллектив манфаатини, эл манфаатини, давлат манфаатини ўйлайди. Қишлоқнинг, халқ онгининг орқада қолишига сабабчи бўлган кишиларга нисбатан муросасиз. Дилидаги гапни, режаларини қоғозга туширишдан, дангал юзга айтишдан чўчимайди. Исмат боболарнинг, Давлатбековларнинг хатоларини тузатиш учун жон койитади. У романтик хаёллар билан яшайди. У олижаноб, қалби соф, беғубор севги эгаси. У кишини мансаби, бойлиги учун севмайди. Инсонлиги, қалбининг поклиги, ҳалоллиги учун севади. Руҳий тушкунликка учраган кишиларга ёрдам қўлини чўзади. Ўз самимияти, қатъияти, иродаси туфайли эл ҳурмати, муҳаббатини қозонади. Романнинг бош қаҳрамони Аваз ҳам кўп масалаларда унинг маслаҳатларига суяниб иш кўради. Ҳатто совхознинг тадбиркор директори ҳам унинг ақлли гапларига қулоқ солади. Бир сўз билан айтганда, Замонали асарда ҳозирги замон қишлоқ интеллигенциясининг илғор ва жанговар, ибратли намоёндаси сифатида илиқ таассурот ҳосил қилади. Лекин бу ўринда шу нарсани ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, автор бу қаҳрамоннинг шижоати, ғайрати, совхоз истиқболи, ишчилар фаровонлиги учун курашини акс эттиришда маълум даражада бир томонламаликка ҳам йўл қўяди. Унинг вазифаси гўё директорга ақл ўргатишу, юқори ташкилотларга қишлоқ аҳволини яхшилаш тўғрисида баённома ёзишдан иборатдай бўлиб қолади. Шунингдек, унинг севгилиси Чўлпоной ҳам асарда бир-икки кўринади-ю, аммо ёзувчининг нима мақсадда асарга олиб кирганлиги маълум бўлмайди.

Асарда бу каби номи тилга олиниб, ёки хиёл кўрсатилиб, бирор аниқроқ ғоявий вазифани бажаришга улгурмай чиқиб кетган персонажлар бир нечта. Ҳолбуки, бадиий асарда, хусусан, бадиий прозанинг йирик жанрларидан бири бўлган романда ҳар бир шахс тип бўлиши, у конкрет характер ва хусусиятлари билан китобхон кўз ўнгида реал гавдаланиши, унинг зиммасига юклатилган ғоявий вазифа мукаммал ва кўп қиррали бўлиши, асарнинг умумий мазмунида муҳим роль ўйнаши керак. Бундай роль ўйнаган персонажлар романда бор. Масалан, Санам хола, Турди, Мадаминжонларни шундай деб айтса бўлади. Лекин, Каттаев, Ғиёсиддинов, Сайфуддин ака, Тўйчи ота, Ражабой Сафарова, Аҳаджон, Сабоҳат ва бошқа шу каби персонажларни ўшалар даражасидаги типлар деб бўлмайди. Уларнинг асардаги ўрни шунчаки бир омонатдай туюлади. Сўнгра баъзи характер ва образлар бошқа асарларда учратганимиз характер ва образларни такрорлаб қўяётганга ҳам ўхшаб кетади. Хусусан Давлатбеков. Бу образ кўп жиҳатлари билан ёзувчи Асқад Мухторнинг «Туғилиш» романидаги Раҳмонқулов ва айниқса Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романидаги Султонов характерига жуда ҳам яқин турадики, бу яқинликни ҳатто унинг феъл-атворидагина эмас, ҳатто турар жойлари тасвирида ҳам пайқаш мумкин.

Ижодда тобора юксак чўққилар сари кўтарилиб бораётган талантли адибимиздан китобхонлар янгидан-янги асарлар кутадилар.

**Ф. НАСРИДДИНОВ.**



В. И. Ленин номидаги пионерлар саройи қошида етти йиллик музика мактаби ташкил топган. Бу мактабда юзлаб кичкинтойларимиз музика фанидан билим олишяпти. Суратда: аълочи ўқувчи Лена Алиева пианино чалмоқда.

**С. Рихсиев** фотоси.

# ТОШКЕНТ ЯНГИЛИКЛАРИ

## САЁҲАТГА МАРҲАМАТ

Кўпгина кишилар ўз меҳнат отпускаларини саёҳатда ўтказишни хоҳлайдилар. Турли шаҳарларни бориб кўришни, манзарали жойларни томоша қилишни ёқтирадиган кишилар учун бу йил ҳам кўпгина имкониятлар яратилади. Туристик поездлар ана шундай қулай имкониятлардан бири. Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси бу йил ана шундай поездлар сонини авалги йилларга қараганда бирмунча кўпайтиришга қарор қилди.

Бу йил туристлар тушган поездлар малакатимизнинг турли шаҳарлари томон йўлга чиқади. Уларда саёҳат учун барча қулайликлар мавжуд.

Яқинда биринчи туристик поезд Москва ва Ленинград томон жўнаб кетади. Унинг пассажирлари Ватанимиз пойтахти ва Ленинград шаҳрининг ажойиб ёдгорликлари, революцион воқеалар бўлган жойлар билан кенг танишадилар. Иккинчи поезд эса Украинанинг пойтахти Киев ва йирик шаҳарларда бўлади. Шундан сўнг туристлар Молдавияга, ундан Севастополь, Волгоград шаҳарларига ўтишади.

## ШИРИНЛИКЛАР ФАБРИКАСИДА

«Ўртоқ» кондитер фабрикасининг коллективи юбилей йилида фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Ўттиздан ортиқ янги конфет турлари ишлаб чиқарилмоқда. «Лимонная», «Сулико», «Одуванчик», «Москва», сингари ширинликлар ўзлаштирилди. «Тонг», «Цитруслик» каби ирислар тайёрлашга киришилди.

## ТЎҚИМАЧИЛАРГА СОВҒА

Яқинда пойтахт тўқимачилари бинокорлардан яна бир совға олишди. Улар Физкультура кўчасида қуриб битказилган бинога кўчиб киришди. Бу турар-жой биноси 630 кишига мўлжалланган бўлиб, ҳамма қулайликларга эга. Бу 5-трест 3-қурилиш бошқармаси бинокорларининг юбилей совғасидир.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.


# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

13 МАЙДА

Ўзбек тилида: 16.55 — Эшиттиришлар программаси, 17.00 — Кинофильм (болалар учун), 17.20 — Қувноқ минутлар (болалар учун), 17.50 — Телевизион янгиликлар, 18.05 — Меҳри қуёшлар («Ёшлик» студияси), 18.45 — Шанба оқшоми (концерт).

19.30 — Телевизион янгиликлар (рус тилида).

19.40 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 16.55 — Эшиттиришлар программаси, 17.00 — Кинофильмлар, 17.20 — Пионерлик ишлари ҳақида., 17.45 — Кинофильмлар, 17.55 — Наримон Наримонов (ҳужжатли фильм), 18.25 — Телевизион янгиликлар, 18.35 — Здоровье (илмий-оммабоп эшиттиришлар программаси), 19.10 — Салом, баҳор (концерт).

Ўзбек тилида: 20.05 — Спорт янгиликлари, 20.35 — Телевизион янгиликлар 20.45 — Лира (жаҳон) халқларининг чолғу асбоблари), 21.35 — «Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари (кинокомедия).

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 13/V да Тошкент давлат консерваториясини битириб чиқувчилар иштирокида Опералардан парчалар. Кеч соат 7 яримда бошланади.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/V да Парвона, 14/V да Оқ кабутар.

## КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Спартак — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (кеч соат 6 ва 9-15 минутда).

Севги давоси — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ФЕСТИВАЛЬ» (кундуз соат 5, 7 ва 9 да).

Жаҳаннам гирдобида икки йил — «МИР», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда). СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

Уруш ва тинчлик — «МОСКВА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Разведкачининг жасорати — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 2 ва 4 да).

Тоҳир ва Зуҳра — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Вахтангов (ҳужжатли фильм) — «ФЕСТИВАЛЬ» (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 ярим ва 10 да)

Жаҳаннам гирдобида икки йил — «ФЕСТИВАЛЬ».

Севги давоси — «ХИВА».

Ғазаб — КАФАНОВ номли.

Севиш тақиқланади — «1 МАЙ».

«Шантеклэр» маликаси — «УДАРНИК».

## РАДИОТАРМОҚЛАРИ АБОНЕМЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

радиотармоқлари дирекцияси Ўзбекистон кўчаси, 13, 15-уйдан Гоголь кўчаси, 56-уйга кўчиб ўтди.

Радио ўрнатиш, учётдан ўчиш, радиоточкаларни қайта қуриш ва тузатиш бўйича ҳамма масалалар юзасидан кўрсатилган адресга мурожаат қилинсин.

Радио эшиттириш точкаларидан фойдаланганлик учун ҳақ шаҳар почта бўлимлари ва дирекция абонент бўлимида қабул қилинади. Тузатиш бюросининг телефони В-3-17-10.


# АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

## КАМЧАТКА — РУС СЎЗИ

Камчатканинг географик номи XVII асрнинг олтмишинчи йиллари бошида бу ерда бўлган рус казаги — сайёҳ Иван Камчатой номидан келиб чиққан. Географ В. Кусков «Камчатка областининг қисқача топонимик луғатида» шундай фикрни олға сурди. Географ Б. Полевой ҳам шу гапни қувватлаяпти. Унинг айтишича, сайёҳ казаклар жойларнинг номларини ҳеч қачон шунчаки тўқиб чиқармаганлар. Номлар бирон аниқ сабабга қараб қўйилган. Номлар биринчи навбатда дарёларга қўйилган: ўша вақтларда дарёлар асосий географик объект бўлиб хизмат қилиб, бирор йўсинда меридиан ва параллеллар тўри вазифасини бажарган. «Камчатка» номи дастлаб ярим оролнинг асосий дарёсига, кейинчалик эса унинг ўзига берилган.

Сибирдаги Бодярихи (Падериха) дарёсининг ирмоғи ҳам Камчатка деб аталиши қизиқдир. Бу дарё казак Никита Падера номи билан аталган. Бу ерда Иван Ожега номи билан аталган дарё ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси Иван Камчатойнинг замондошлари ва ҳамсафарлари бўлганлиги ҳужжатлар билан аниқланган.

XVII аср ўртасидаги тарихий ҳужжатларга кўра, Иван Камчатой кундуз ов қилинадиган жойларни ва кон қидириб бу ерларга икки марта сафар қилган. Иван Камчатой билан Федор Гукичевнинг 1660 йилда ярим оролга қилган сафари фожиали тугаган. Улар ўлдирилганлар, китоблари эса йўқ қилинган.

«Камчатка» номининг келиб чиқиши тўғрисидаги мунозара икки ярим асрдан ошиқ вақтдан бери давом қилиб келмоқда. Баҳсда чет эл тарихчилари ва географлари ҳам қатнашдилар. Тадқиқотчиларнинг янги ишлари бу масалага тугал жавоб беришда ёрдам берса керак.

**И. МОИСЕЕВ.**

## ДОРБОЗЛАР ОВУЛИ

Доғистондаги Цовкра қишлоғини неча асрлардан бери боқиб келган дорбозлик санъати эндиликда албатта кўпчиликнинг ҳунари бўлмай қолди. Шунга қарамай «Цовкра» профессионал труппаси овулнинг донғини кўп мамлакатларга таратди. Доғистон дорбозларининг чет элларга қилган гастроллари вақтида Брюссель, Париж ва Лондон газеталари улар кўрсатган мураккаб ўйинларга катта баҳо бердилар.

Цовкра аҳолисининг арқонда сакраб юришдаги маҳорати бежиз эмас. Овул уйлари 2.5 минг метр баландликдаги тоғларга қурилган. Қишлоққа олиб борадиган йўл ва сўқмоқлар қояли чуқур даралар устидан ўтади. Тоғ учма йўлларининг баъзилари шу қадар торки, унда кетаётган йўловчи осмонга ўқ узиб қаршисидан келаётганини огоҳлантирмоғи керак, чунки учмада икки кишининг бирбирига йўл бериб ўтиб кетиши мумкин эмас.

Албатта, шундай йўлларга кўниккан тоғликлар дорда ўз уйларидагидек бемалол юравердилар.

**В. ШКУНОВ.**
МАҲАЧКАЛА.

## ВЕТЕРАН ҚАРАҒАЙ

Қурувчилар Уралдаги Артимовск шаҳри яқинида қарағай арралаб йиқитдилар. Дарахтнинг йўғон танасида уч дюймли снаряд топилди. Бу ерда бундан қарийб ярим аср илгари жанглар бўлган: Қизил Армия отрядлари Урал еридан колчакчиларни ҳайдаб чиқараётган эди. Қарағай ўшанда оғир ярадор бўлган. Лекин дарахт қуримай, танасида бу снарядни ветеран сифатида сақлаб келаверган.

Нодир топилдиқ шаҳар музейига берилди.

**В. СТАРИКОВ.**
СВЕРДЛОВСК.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 04304.
Индекс 64970
А. — 1857.